ПЛЕНУМ ҚАРОРЛАРИНИ БАЖАРИШ — СЪЕЗДГА МУНОСИБ ТУҲФАДИР!

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ.

«КИЗИЛ УЗБЕКИСТАН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР.

43-йил чиқиши № 23 (11772). | Шанба, 28 январь, 1961 йил. | Баҳоси 2 тийин.

ЕТТИ ЙИЛЛИКНИНГ ЯНГИ МАРРАЛАРИ САРИ!

Бухоро область, Свердлов районидаги Сталин номли колхознинг 1961 йилда чигитни текис ундириб олиш ва ғўза тупларининг зарур қалинликда бўлишини таъминлаш юзасидан

ТАДБИРЛАРИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бухоро область, Свердлов районидаги Сталин номли колхознинг 1961 йилда чигитни текис ундириб олиш ва ғўза тупларининг зарур қалинликда бўлишини таъминлаш юзасидан белгилаган тадбирларини маъқуллади.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети область ва район партия комитетларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ва район ижроия комитетларига чигитни текис ундириб олиш ва ғўза тупларининг зарур қалинликда бўлишини таъминлаш ҳамда 1961 йилда пахта ва бошқа экинлардан мўл ҳосил олиш юзасидан тегишли тадбирларни ишлаб чиқишда колхоз ва совхозларга зарур ёрдам кўрсатиш топширилди.

□ □

Бизнинг колхозимиз Бухоро областидаги кўпчилик хўжаликлардаги каби тупроқ-мелиоратив шароитга эга.

Колхозчиларнинг фидокорона меҳнати ва зарур агротехника ва мелиорация тадбирларини ўз вақтида амалга ошириш, техникадан тўғри фойдаланиш — ҳосилдорлик ва пахта етиштириш юзасидан берилган топшириқларни йил сайин бажаришга имкон бермоқда.

Масалан, 1958-1959 йилларда 1248-1290 гектар ердан олинган ўртача ҳосил гектарига 28 центнердан тўғри келди. Ўтган йили об-ҳаво қийинчиликлари оқибатида пахта ҳосили бироз кам бўлди. Шундай бўлса ҳам пахта тайёрлаш планини бажардик.

Ҳамро Орзиев, Умар Хўжақулов ва бошқалар раҳбарлик қилаётган энг яхши бригадаларимиз гектаридан 30-35 центнердан пахта топширдилар.

КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми қарорларидан руҳланган колхозимиз аъзолари етти йилликнинг учинчи йилида пахта етиштиришни кўпайтирадилар ва шу йўл билан партия XXII съездини муносиб кутиб оладилар. Колхозчилар 1330 гектар ернинг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил етиштириш ва давлатга 4655 тонна «оқ олтин» сотиш мажбуриятини олдилар. Шунингдек, маккажўхори ва оқжўхорининг ҳар гектаридан 500 центнердан кўк поя ва 40 центнердан дон олишга қарор қилинди.

Олинган мажбуриятларни шараф билан бажариш учун баҳорги экиш кампаниясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ҳамма ердан чигитни барвақт, текис ундириб олиш ва энг муҳими ғўза тупларининг нормал қалинликда бўлишини таъминлаш юзасидан тадбирларни ишлаб чиқдик.

Одатда чигитни текис ундириб олиш учун қурашни қуздаёқ бошлаймиз. Ўтган йили колхоз кузги шудгорлашни ўз вақтида кучайтирди ва пахта майдонларининг ҳаммаси 1 январгача ҳайдаб қўйилди, 20 январда эса бошқа экин майдонлари ҳам ҳайдаб бўлинди.

Ер ҳайдаш 30 сантиметр чуқурликда ўтказилди ва бир йўла борона қилинди. Натижада тупроқ яхши ишланди ва ернинг сатҳи текисланди.

Бизнинг шароитимизда ерларнинг шўрини ўз вақтида ва сифатли ювиш жуда катта аҳамиятга эга. Шўр ювмай туриб чигитни текис ундириб олиш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам айрим участкаларда ер ҳайдалиши биланоқ бу ерларни текислашга, шўр ювиш учун тайёрлашга киришдик. Шўр ернинг устига уриб, оқариб қолган участкалар ҳайдаш олдидан текисланди.

Ерларни текислашда мавжуд механизмларнинг ҳаммасидан, жумладан учта бульдозер, битта грейдер, 16та «КПН» ва 2та «ПР-5» ер текислаш машиналаридан фойдаландик. 20 январга қадар 1095 гектар ер текислаб қўйилди.

Ҳар бир участкада ер текисланиши биланоқ машиналар ёрдамида пол олдик ва сўнгра қўл билан ростлаб чиқдик.

Полларнинг катта-кичиклиги ерларнинг текислик даражасига боғлиқ бўлади. Яхши текисланган участкаларда ҳар бир полнинг кенглиги 0,20-0,30 гектар, яхши текисланмаган ерлар эса 0,10-0,15 гектар қилиб олинди. Ҳозирги вақтда 1330 гектар ерга яхоб бериш учун пол олинди, 1200 гектар ерда полларни қўл билан ростлаб чиқдик.

Шўр ювиш ернинг шўрланиш даражасига қараб табақалаб ўтказилади. Биринчи навбатда кўп шўрланган ва ўртача шўрланган ерларга сув қуя бошладик. Бу майдонларда икки марта, айрим ерларда эса шўрни уч марта ювиш керак. Бундай ерларда шўр биринчи марта ювилгач ва сув ерга сингигач, иккинчи марта шўр ювиш бошланади. Шундай қилиб, аararли гузаларнинг анча чўқ ларида тўла ювилишини ва ўсимликнинг илдизи етиб борадиган тупроқ қатламининг шўрсизланишини таъминламоқдамиз.

Биринчи шўр ювишда ҳар бир полга 20 сантиметр қалинликда сув киритилади, бунда ҳар гектар ерга 2500 кубметргача сув сарфланади. Иккинчи ва учинчи шўр ювишда эса гектарига 1800-2000 кубметр сув сарфланади. Кам шўрланган ерларнинг ҳар гектарига 1800-2000 кубметр сув қўйиш орқали бир марта шўр ювамиз. Шўр ювиш кечаю кундуз олиб борилмоқда, сувчилар икки сменада ишламоқдалар.

Эрта баҳорда ерларни борона қилиш орқали тупроқда етарли нам сақлаш учун кураш жуда муҳим тадбирдир.

Бу ишни бажариш учун 14 та киркама ва улар учун керакли миқдорда сихмолани тайёрлаб қўйганмиз. Ҳар бир бригадага битта агрегат тўғри келади.

Эрта баҳорда ерларни бороналашда 6 та занжирли трактор, шунингдек бўш чопиқ тракторларидан фойдаланилади. Бу эса бороналашни ер етилгунча тугаллаш ва тупроқнинг яхши юмшатилишига эришиш имконини беради.

Тупроқнинг озуқа моддалари билан бойитиш ва ғўза ниҳолларининг яхши озиқланишини таъминлаш учун 3500 тонна гўнг тайёрлаб қўйдик. Бу гўнг ерларга эрта баҳорда, бороналаш олдидан солинади. Кейинчалик яна 9000 тонна гўнг тайёрлаймиз ва ҳар гектар ерга 10-12 тонна гўнг соламиз.

Озиқлантиришга катта аҳамият бериб, чўлдан қўй қийи ташиб келтиришни ташкил қилдик.

Тупроқни экиш олдидан ишлашда, ер етилганда ҳамма пахта майдонига яна ўғит соламиз. Унда ҳар гектарига 250-300 килограмм суперфосфатни маҳаллий ўғитга аралаштириб ва 25-30 килограмм азотни ўғит соладиган культиваторлар ёрдамида 15 сантиметр чуқурликка соламиз. Шу мақсадда 20 тракторга ўғит соладиган машиналарни осишни 1 мартгача тамомлаймиз.

Экиш олдидан ерларга минерал ўғит солишни ҳар бир трактор кунига ўртача 8 гектар ерни ўғиглаганда ҳам 8-10 кун ичида тугаллаймиз.

Ўтган йиллар тажрибасига амал қилиб, ерларни экишга тайёрлашни тупроқ шароитига қараб табақалаштириб ўтказамиз.

540 гектар оғир тупроқли майдонда дискали борона ҳамда чизел билан тупроқни 12-15 сантиметр юмшатамиз, бунда бир йўла ер борона қилиниб, мола босилади. Қолган 790 гектар ер эса борона қилиниб, мола босилади. Юқоридаги агрегатлар тупроқнинг яхши, доғадор қилиб ишланишини ва текислашишини таъминлайди. Шунинг учун ҳам ерларни алоҳида бороналаб ва мола босиб ўтирмаймиз.

Биз пахта заводидан мис трихлорфиноляти билан дорилланган чигит оламиз ва уни яхши дезинфекция қилинган қуруқ биноларда идишларда сақлаймиз.

Экиш олдидан ҳароратга ва тупроқнинг намлигига қараб уруғликни сувда ивитамиз. Бунда 1 тонна уруғликни ивитиш учун 400-600 литр сув сарфлайтмиз.

Чигитни далага жўнатиш олдидан ҳар тоннасини 4 килограмм препарат билан чанглатамиз. Туксизлантирилган уруғлик чигитни сақлашга алоҳида аҳамият бермоқдамиз.

Колхоз баҳорга пухта тайёргарлик кўрмоқда. 15 февралгача техникани ремонт қилиб бўламиз. Ҳозир экиш агрегатларининг экипажлари танлаб қўйилди. Улар бугун 15 февралдан 15 мартгача 5 кунлик семинар ва далада амалий машғулотлар ўтказилади.

Чигит экишни ҳарорат доимий 12-14 даражага етгач бошлаймиз ва 8-10 кун ичида тугаллаймиз, чигитни квадрат-уялаб экадиган ва чигитни уяларга белгиланган миқдорда экадиган сеялкалардан тўла фойдаланамиз.

Ҳамма майдондаги ғўзани механизмлар ёрдамида икки томонлама парвариш қиламиз.

Тупроқнинг унумдорлигига қараб, ғўза тупларининг қалинлигини ҳам табақалаштирамиз. Ҳар гектар ерда камида 85-100 минг туп ғўза бўлишини, ҳар уяда 3-4 ўсимлик бўлишини таъминлаймиз.

Тупроқнинг яхши ишиши ва ёш ғўзанинг ўсишига қулай шароит вужудга келтириш учун чигитни униб чиқиши биланоқ аввало кўндалангига, сўнгра узунасига культивация ўтказамиз, бир вақтнинг ўзида ғўзага маҳаллий ва минерал ўғит аралашмасини соламиз.

Ишлаб чиқилган тадбирларни тўла амалга ошириш мақсадида мавжуд техника ва ишчи кучи ресурсларини тўла сафарбар қиламиз ва улардан унумли фойдаланамиз. Бу — мўл ҳосил етиштириш ҳамда ҳар гектаридан 35 центнердан пахта топшириш юзасидан олган мажбуриятимизни бажаришнинг гарови бўлади.

Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти мўл ҳосил етиштириб келаётган илғор бригадаларнинг тажрибасини ҳамма бригадаларда қўлланиш учун барча чораларни кўради.

Ж. РАМАЗОНОВ,
колхоз раиси.

П. БОЗОРОВ,
партия ташкилотининг секретари.

С. ЕРИЕВ,
агроном.

Бу тадбирлар колхоз активи йиғилишининг қарори билан тасдиқланган.

МЕҲНАТ ЗАФАРЛАРИ

ПЕЧЛАРНИНГ РЕКОРДЛИ ИШ УНУМИ

Ўзбекистон юқори ҳароратда эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинатида қаттиқ қотишмалар тайёрлаш учун печларнинг мамлакатдаги энг юксак иш унумига эришилди.

Электр печининг биринчи зонасида қизитилган қотишма иккинчи, сўнгги зонага ўтиш вақтида ўз ҳароратининг бир қисмини йўқотар эди. Смена мастерлари Виктор Горбачев ва Ориф Маъдиев конструкцияга ўзгартиш киритдилар, қизитиш зоналарини бир-бирига яқинлаштирдилар. Бу эса ҳароратнинг бир меёрда ошишини таъминлади иш процессини жадаллаштирди. Иш унуми қирқ процент ошди. Биринчи печни қайта қуриш йилига 10 минг сўм (нархларнинг янги миқёсида) иқтисодий фойда келтирди.

Ҳамма электр печларини реконструкция қилиш бошланди. Саноатнинг бу соҳасидаги энг ёш корхонада вужудга келган янгилик мамлакатнинг бошқа заводларига ҳам ёйилмоқда.

ҚАТЪИЙ СЎЗ

Совой совхозининг чўчқабоқари Александр Пустовой етти йиллиннинг иккинчи йилида Андижон областида энг юксак кўрсаткичларга эришди. Унинг бир ўзи мингдан ортиқ чўчқани боқиб семиртирди. Топширикда кўзда тутилганидан бир неча юз центнер кўпроқ арзон гўшт етиштирилди. Бироқ донгдор чорвадор эришилган муваффақият билан чекланмади. А. Пустовой КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг қарорларига амалий иш билан жавоб бериш учун бу йил 1250 чўчқани боқиб семиртиришга қарор қилди.

Илғор чўчқабоқарнинг сўзи билан иш бир. Январь ойининг ўзидаёқ у 250 чўчқани боқиб семиртирди ва давлатга 260 центнер гўшт топширди.

— Жонажон Коммунистик партиямиз январь Пленуми қарорларига бу менинг дастлабки жавобимдир, — дейди А. Пустовой.

Тажрибали чўчқабоқар ўз билимини ёш чорвадорларга бажонидил ўргатмоқда. У, нечагина йиллик синфни тамомлаб чиққан чўчқабоқар Ортиқ Қорабоевни ўз оталигига олди. Ортиқ дастлабки 60 чўчқани боқиб семиртирди ва гўшт учун топширди.

ҚИШКИ ҚУЗИЛАТИШ МУВАФФАҚИЯТЛИ УТМОҚДА

Зарафшон чўлларида қоракўл қўйларнинг қишки қузилаши тугалланмоқда. Чорвадорлар КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг қарорларига жавобан қўйлар туёғини кўпайтиришнинг асосий резерви бўлган бир йилда икки марта ёки икки йилда уч марта қузилатишни кенг қўллан. моқдалар. Шу туфайли. масалан, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсун Буматов Пахтакор районидаги «Лениниг чорвадор» колхозида ҳар йили ҳар юз бош совлиқдан 175-178 тадан қузи олмоқда.

Нурота районининг чорвадорлари учун бу йилги қиш серҳосил бўлди. Районнинг ҳамма хўжаликлари бир йилда икки марта ёки икки йилда уч марта қузилатишга киришдилар. Бу эса ҳозироқ қўшимча равишда йигирма минг бошдан кўпроқ қузи олиш имкони берди. Ленин номли, «Қизилча» совхозларида бирорта қўйнинг нобуд бўлишига йўл қўйилмади. Қўйчивонлар қайта қузилатишга тайёргарликни бошлаб юборишдилар.

САИДАНИНГ АҲДИ

— Эрталаб «Тўқол»имни соққан эдим, қарасам, сутининг чўғи камроқ. Ўлчаб кўрсам, кечагидан бир ярим килограмм кам. Нега сути камайиб қолди десам, кеча кечқурун сугормай қолдирган эканман, — деди Саида Заҳро опага қараб.

— Сувсиз қолдириб бўладими жониворни, солган ўтинги ҳам емагандир, — деб жавоб берди Заҳро Усмонова.

Саида Холматова ўрта мактабда ўқиб юрган вақтидаёқ сут соғувчи бўлиб ишлашни орзу қилар, қўли бўшади дегунча фермага югурарди. Мактабни тамомлади-ю, фермага ишга кирди. Унга 16 бош сигирни биркитиб қўйишди.

Саида Назира Имомалиева, Заҳро Усмоновларнинг иш тажрибасини ўрганди, сигирлардан улар каби кўплаб сут олишга ҳаракат қилди. Ўша йили ҳар сигирдан 2500 ўрнига 2850 килограммдан сут соғиб олди. Бултур эса ҳар сигирдан олган сути 4200 килограммга етди.

Комсомол аъзоси Саида Холматова КПСС XXII съезди чақирилиши тўғрисидаги хушхабарни эшитиши билан партия съездига муносиб совға ҳозирлашга аҳд қилди. У съезд очиладиган кунгача ўз қарамоғидаги сигирларнинг ҳар биридан 4500 килограммдан сут соғиб олишга сўз берди. Ҳозир Саида ўз ваъдасини шараф билан бажариш мақсадида сигирларни яхши боқиб, улардан олинадиган сутни кўпайтирмоқда. Оржоникидзе районидаги Навоий номли колхознинг ёш сут соғувчиси Саида Холматова сигирларнинг маҳсулдорлигини оширишда машҳур сут соғувчи Зуҳра Комиловага тенглашиш учун курашмоқда.

С. МИРЗАЛИЕВ.

«Нукус» сабзавот-сутчилик совхозининг ходимлари КПСС XXII съезди шарафига янги оширилган мажбурият қабул қилмоқдалар. Совхоз ишчилари 1961 йилда ўтган йилдагидан 535 тонна кўп сут, 1478 тонна кўп сабзавот ва 2330 тонна кўп картошка етиштиришга қарор қилдилар.

СУРАТДА: Куйбишев номли участка чорвадорларининг йиғилиши. Участка чорвадорлари ўз зиммаларига янги оширилган мажбурият олдилар.

Н. Медведев фотоси.

(ЎзТАГ фотохроникаси).

ЦЕЛЛЮЛОЗА-ҚОҒОЗ САНОАТИМИЗ ЯНАДА ЮКСАЛСИН!

МОСКВА, 26 январь. (ТАСС). Яқинда Москвада целлюлоза-қоғоз саноати ходимларининг Бутуниттифоқ кенгаши бўлиб ўтди. Бу кенгаш целлюлоза-қоғоз саноатини техника жиҳатидан қайта қуроллантиришга тезроқ эришайлик ва бу саноатни халқ хўжалигининг илғор соҳалари қаторига ўтказайлик, деган чақириқ билан мурожаат қилди. Бу мурожаат целлюлоза-қоғоз корхоналари машинасозлик заводларининг барча ишчилари, инженерлари, техниклари ва хизматчиларига, қурувчиларга, илмий тадқиқот ташкилотлари, конструкторлик ва лойиҳалаш ташкилотлари коллектив суратда зўр ғайрат билан ишлаганларидагина бажариш мумкин эканлигини яхши биламиз. Халқ хўжалигидаги ана шу муҳим тармоқнинг қолоқлигини тезликда тугатиш уларнинг сабот-матонатига, ижодий ташаббуси ва фидокорона меҳнатига боғлиқдир.

ЦЕЛЛЮЛОЗА-ҚОҒОЗ САНОАТИ ХОДИМЛАРИ БУТУНИТТИФОҚ КЕНГАШИНИНГ МУРОЖААТИ

Бутуниттифоқ кенгашининг қатнашчилари партия ва ҳукумат қарорларини амалга ошириш соҳасидаги ишларнинг дастлабки якунларини муҳокама қилдилар, ўз иш тажрибалари билан ўртоқлашдилар, жиддий камчиликларни очиб ташладилар ва бу камчиликларни бартараф қилиш йўлларини белгиладилар.

Мурожаатда бундай дейилади: Биз партия ва ҳукумат томонидан белгиланган топшириқларни целлюлоза-қоғоз саноати, машинасозлик саноати ходимлари, қурувчилар, илмий тадқиқот ташкилотлари, конструкторлик ва лойиҳалаш ташкилотлари коллектив суратда зўр ғайрат билан ишлаганларидагина бажариш мумкин эканлигини яхши биламиз. Халқ хўжалигидаги ана шу муҳим тармоқнинг қолоқлигини тезликда тугатиш уларнинг сабот-матонатига, ижодий ташаббуси ва фидокорона меҳнатига боғлиқдир.

Бутуниттифоқ кенгашининг қатнашчилари энг кўп маҳсулот ишлаб чиқариш йўлидаги ҳаракатнинг ташаббускорлари бўлган илғор коллективларнинг номларини тилга олиб, КПСС XXII съезди шарафига социалистик мусобақани кенг авж олдиришга, ҳар бир корхона, ҳар бир цех, смена ва бригаданинг ишлаб чиқариш планларини белгиланган ассортиментда бажариш ва оширишда бажаришни учун, хомашёни тежаб сарфлаш учун, матбуотга керакли қоғоз ҳар квадратметрининг вазнини камайтириш, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг сифатини бутун чоралар билан яхшилаш ва таннархини камайтириш учун курашни кучайтиришга даъват этадилар. Целлюлоза-қоғоз корхоналарининг ходимлари янги техникани дадил жорий қилишлари, замонавий машина-ускуналарни тезроқ ўрнатишлари ва ўзлаштириб олишлари, технологияни такомиллаштиришлари, целлюлоза-қоғоз маҳсулоти ишлаб чиқариш учун ёғоч чиқитлари ва гилоғоч нав дарахтлардан кенг фойдаланишлари, ишлаб чиқариш процессларини комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш тадбирларини амалга оширишлари ҳамда меҳнат унумдорлигини юксалтиришлари керак. Қоғоз ва картон фабрикаларининг ходимлари қоғоз ясовчи машиналарнинг иш суръатини янада жадаллаштириш соҳасидаги ишларнинг дастлабки якунларини муҳокама қилдилар, ўз иш тажрибалари билан ўртоқлашдилар, жиддий камчиликларни очиб ташладилар ва бу камчиликларни бартараф қилиш йўлларини белгиладилар.

Мурожаатда бундай дейилади: Биз партия ва ҳукумат томонидан белгиланган топшириқларни целлюлоза-қоғоз саноати, машинасозлик саноати ходимлари, қурувчилар, илмий тадқиқот ташкилотлари, конструкторлик ва лойиҳалаш ташкилотлари коллектив суратда зўр ғайрат билан ишлаганларидагина бажариш мумкин эканлигини яхши биламиз. Халқ хўжалигидаги ана шу муҳим тармоқнинг қолоқлигини тезликда тугатиш уларнинг сабот-матонатига, ижодий ташаббуси ва фидокорона меҳнатига боғлиқдир.

Бутуниттифоқ кенгашининг қатнашчилари энг кўп маҳсулот ишлаб чиқариш йўлидаги ҳаракатнинг ташаббускорлари бўлган илғор коллективларнинг номларини тилга олиб, КПСС XXII съезди шарафига социалистик мусобақани кенг авж олдиришга, ҳар бир корхона, ҳар бир цех, смена ва бригаданинг ишлаб чиқариш планларини белгиланган ассортиментда бажариш ва оширишда бажаришни учун, хомашёни тежаб сарфлаш учун, матбуотга керакли қоғоз ҳар квадратметрининг вазнини камайтириш, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг сифатини бутун чоралар билан яхшилаш ва таннархини камайтириш учун курашни кучайтиришга даъват этадилар. Целлюлоза-қоғоз корхоналарининг ходимлари янги техникани дадил жорий қилишлари, замонавий машина-ускуналарни тезроқ ўрнатишлари ва ўзлаштириб олишлари, технологияни такомиллаштиришлари, целлюлоза-қоғоз маҳсулоти ишлаб чиқариш учун ёғоч чиқитлари ва гилоғоч нав дарахтлардан кенг фойдаланишлари, ишлаб чиқариш процессларини комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш тадбирларини амалга оширишлари ҳамда меҳнат унумдорлигини юксалтиришлари керак. Қоғоз ва картон фабрикаларининг ходимлари қоғоз ясовчи машиналарнинг иш суръатини янада жадаллаштириш

(Охири иккинчи бетда)

Украина Компартияси Марказий Комитетининг пленуми

КИЕВ, 26 январь. (ТАСС). Бугун бу ерда Украина Компартияси Марказий Комитетининг пленуми очилди. Пленумга қишлоқларнинг илғор кишилари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, партия ва совет ходимлари, олимлар таклиф этилди. Пленумда жами 12 минг га яқин киши қатнашмоқда.

Пленум ишида КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев иштирок қилмоқда.

Украина Компартияси Марказий Комитетининг пленуми «КПСС Марказий Комитетининг 1961 йил январь Пленумининг якунлари ва Украина ССР қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида»ги масалани муҳокама қилади.

Докладчи Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Н. В. Подгорний КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг қарорлари ва ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг Пленумда сўзлаган нутқи омманинг ижодий активлигини ғоят кучайтириб юборганлиги тўғрисида гапиради. Республиканинг колхоз ва совхозларида дон, гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар етиштиришни кескин суратда кўпайтириш учун керакли резервлар қидириб топилмоқда. Деҳқончилик ва чорвачиликни янада ривожлантириш юзасидан конкрет тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.

Ўтган йили, дейди ўртоқ Подгорний, Украинада қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилишда катта камчилик ва хатоларга йўл қўйилди, ташкилотчилик ишлари бўшаштириб юборилди. Республикада 1960 йил планида мўлжалланганидан камроқ дон, гўшт, сут етиштирилди, республика дон, сут, тухум, қанд лавлаги, кунгабоқар, картошка харид қилиш давлат планини бажармади. Бунинг учун республика КПСС Марказий Комитетининг январь Пленумида кескин ва адолатли танқид қилинди.

Докладчи айтадики, республика партия ташкилотлари, Украинанинг барча меҳнаткашлари ана шу танқиддан тўғри хулосалар чиқариб олдилар ва қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини кескин суратда юксалтириш чораларини кўрмоқдалар.

— Украина меҳнаткашлари ҳозирги вақтда бутун кучни КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг қарорларини, етти йиллиннинг улуғвор топшириқларини бажаришга сафарбар қилайлик, деган шиор остида КПСС XXII съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани қизитиб юбордилар.

Украина Компартияси Марказий Комитетининг пленуми ўз ишини давом эттирмоқда.

ИЛҒОР ЧЎПОННИНГ ИШИ

Холдевонбек район. Ҳақиқат қишлоқ советидаги Охунбобоев номли колхознинг илғор чўпони ўртоқ Маматқул Маматов аҳоли учун мўл-кўл чорва маҳсулотлар етиштириш йўлида фидокорона меҳнат қилаётганлардан бири.

Тажрибали чўпон етти йиллиннинг иккинчи йилида ҳар юз совлиқдан 124 тадан қузи олишга эришди. Ўз отаридаги 195 совлиқдан 240 қузи олиб, планни 124 процент қилиб бажарди. У, ҳар қўйдан 3 килограммдан ошириб жун қирқиб олишга муяссар бўлди. Маматқул ака ёш қузиларни нобуд қилмай тўла сақлаб қолиш чораларини кўрди.

Илғор чўпоннинг етти йиллиннинг учинчи йилидаги режаси янада катта. У, ўз қарамоғидаги ҳар 100 совлиқдан 130 тадан қузи олмоқчи.

Х. МАМИТАЛИЕВ.

ПАРТИЯ АЙТДИМИ—БАЖАРАМИЗ!

ВОРОШИЛОВ. (Андижон области, (ЎзТАГ). Орденли область қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети январь Пленуми материалларини зўр қизиқиш ҳамда диққат-эътибор билан ўрганмоқдалар. КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг шу Пленумда сўзлаган ёрқин, ҳаётий нутқи пахтакорларда жуда катта таассурот қолдирди.

— Никита Сергеевич мамлакатда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини мўл-кўл етиштириш учун нималар қилиш кераклигини жуда яхши ва аниқ-равшан кўрсатиб берди, — дейди Ворошилов районидаги Ленин номли колхознинг раиси Собиржон Норбоев. — Ирригация ишларига — ерларни суғориш ва уларга сув чиқариш ишларига айниқса катта эътибор бериш керак. Ана шунда биз ҳар қандай иқлим шароитида ҳам мўл-жалланган ҳосилни ола биламиз.

— Ўтган йили колхозимиз ҳар гектар ердан 26 центнердан знёд пахта етиштирди. Бу йил эса суғориш ишларини яхшилаш ва экинларни парвариш қилиш ҳамда йиғим-терим ишларини янада механизациялаштириш ҳисобига 1325 гектар ернинг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил кўтаришни мўлжаллаб турибмиз. Биз бу янги маррани ҳам албатта қўлга киритиб, жонажон партиямизнинг XXII съездига яхши меҳнат туҳфаси тайёрлаймиз.

— Никита Сергеевич Хрушчевнинг нутқи асосида, — деди шу колхознинг бригада бошлиғи Олимжон Абдувалиев, — ўтган йилги ишларимизни танқидий кўз билан қараб чиқдик. Шундай қилганимизда ишимизда ҳали кўпгина камчиликлар борлигини сездик. Мана шу сабабдан ҳам бу камчиликларни тугатиш ва ўтган йилги хаталаримизни такрорламаслик учун ишларни пухта ташкил қилишга ҳаракат қиляпмиз. Пахтакорларнинг асосий вазифаси ғайратга ғайрат қўшиб ишлашдан иборатдир. Ана шунда биз Ватанга кўпгина пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бера оламиз. Ҳамма колхозчиларимиз якдиллик билан: Партия айтдими — албатта бажарамиз, демоқдалар.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЁЗУВЧИ И. Г. ЭРЕНБУРГНИ ЛЕНИН ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Туғилган кунининг етмиш йиллиги муносабати билан ҳамда совет адабиётини ривожлантириш соҳасидаги хизматлари учун Илья Григорьевич Эренбург Ленин ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. БРЕЖНЕВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва. Кремль.
1961 йил 25 январь.



СУРАТДА: Оҳангарон ГРЭСи турбина цехининг умумий кўриниши.

Қ. РОЗИҚОВ фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ЯШОВЧИ КЎП БОЛАЛИ ОНАЛАРГА „ҚАҲРАМОН ОНА“ ДЕГАН ФАХРИЙ НОМ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА*)

Ўн ва ундан ҳам кўп бола туғиб тарбиялаган қуйидаги оналарга **«Қаҳрамон она»** деган фахрий ном берилсин ва уларга **«Қаҳрамон она»** ордени ҳамда СССР Олий Совети Президиумининг ёрлиқлари топширилсин:

СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИ БУЙИЧА

58. Жонқобилова Парда — Яккабоғ районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг аъзоси.

59. Жўғиева Қирмиз — Шеробод районидаги Сталин номли колхознинг аъзоси.

60. Диёрова Ўзбек — Косон районидаги Энгельс номли колхознинг аъзоси.

61. Жуянова Қурбон — Термиз районидаги «Намуна» колхозининг аъзоси

62. Иброҳимова Норгул — Қарши районидаги Дашт қишлоғида уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи.

63. Эшонқулова Саида — Шаҳрисабз шаҳрида уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи.

64. Камолова Ражаб — Бешкент районидаги «Мўғдон» совхозининг ишчиси.

65. Кичкилова Норпоч — Бойсун районидаги Юмқон қишлоғида уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи.

66. Қулмўминова Қандил — Ангор районидаги Ленин номли қишлоқда уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи.

67. Қўчқорова Ойрўшан — Косон районидаги Алачабоб посёлкасида уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи.

68. Муродова Муяссар — Шаҳрисабз районидаги Хрушчев номли колхознинг аъзоси.

69. Мусаева Улдан — Термиз районидаги Жданов номли колхознинг аъзоси.

70. Норбоева Қулпин — Термиз районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг аъзоси.

71. Нормуродова Турсун — Шўрчи районидаги Қумқўрғон посёлкасида уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи.

72. Ниёзова Тўлиш — Шеробод районидаги «Коммунизм» колхозининг аъзоси.

73. Пардаева Ойсора — Яккабоғ районидаги Калинин номли колхознинг аъзоси

74. Равшанова Турсунтош — Косон районидаги Косон посёлкасида уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи.

75. Раззоқова Шаҳри — Шаҳрисабз районидаги Ленин номли колхознинг аъзоси.

76. Раимова Тансиқ — Шеробод районидаги Сталин номли колхозининг аъзоси.

77. Сафарбоева Сафаргул — Шўрчи районидаги Қумқўрғон посёлкасида уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи.

78. Тоғоева Жумагул — Косон районидаги Косон посёлкасида уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи.

79. Тошева Ойби — Деҳқонобод районидаги «Деҳқонобод» совхозининг ишчиси.

80. Тўхлибоева Ҳурмат — Деҳқонобод районидаги «Деҳқонобод» совхозида уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи.

81. Улуғмуродова Ҳакима — Чироқчи районидаги «Коммуна» колхозининг аъзоси.

82. Ҳайдарова Ойсоат — Косон районидаги Ворошилов номли колхозининг аъзоси.

83. Ҳасанова Омонгул — Ангор районидаги «Таллимарон» совхозининг ишчиси.

84. Шойимова Азизмо — Бешкент районидаги Сталин номли совхознинг ишчиси.

85. Шомуродова Ойимхол — Яккабоғ районидаги Яккабоғ қишлоғида уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи.

86. Йўлдошева Ҳаловат — Ғузор районидаги Ғузор посёлкасида уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ БУЙИЧА

87. Абдуллаева Розия — Бекобод районидаги 1- «Далварзин» совхозида уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи.

88. Абдурахмонова Меҳмонбу — Янгийўл районидаги Халқобод қишлоғида уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи.

89. Одилова Хадича — Тошкент шаҳрида уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи.

90. Ашурматова Ойнисо — Оҳангарон шаҳридаги «Облиқ» совхозининг ишчиси.

91. Бойботирова Ойимсоат — Олмалиқ шаҳрида уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи.

92. Бўриева Холида — Тошкент шаҳрида уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи.

93. Жамолова Марҳамат — Бўстонлиқ районидаги Искандар посёлкасида уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи.

94. Исоматова Ҳикой — Оржоникидзе районидаги Михайловское қишлоғида уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи.

95. Исмоилова Зулайхо — Чиноз районидаги Яллама қишлоғида уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи.

96. Эшматова Мубор—Тошкент шаҳрида уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи.

97. Комилова Рихси — Тошкент шаҳрида уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи.

98. Қосимова Хумайра — Тошкент шаҳрида уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи.

99. Ли Александра — Янгийўл шаҳрида уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи.

100. Мақсудова Нури — Тошкент шаҳрида уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи.

101. Мирзаҳмедова Хоним — Тошкент шаҳрида уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи.

102. Мирзаева Башор — Тошкент шаҳрида уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи.

103. Мўминова Манзура — Бўстонлиқ районидаги Бурчмулла қишлоғида уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи.

104. Мун Елена — Қуйи Чирчиқ районидаги Гилдиев қишлоғида уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи.

105. Муҳитдинова Нури — Янгийўл районидаги Зангиота қишлоғида уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи.

106. Набиева Назми — Тошкент шаҳрида уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи.

107. Нурмуҳаммедова Турсуной— Тошкент шаҳрида уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи.

108. Пўлатова Мукар — Тошкент шаҳрида уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи.

109. Раҳимова Анор — Оҳангарон шаҳрида уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи.

110. Рустамова Ҳамида — Тошкент шаҳрида уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи.

111. Соатова Нури Маҳкамовна— Тошкент шаҳрида уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи.

112. Сагидова Гилминур — Чиноз районидаги Эски Тошкент қишлоғида уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи.

113. Солиева Саодат — Бўстонлиқ районидаги Бурчмулла қишлоғида уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи.

114. Шомуслимова Риҳси —Тошкент шаҳрида уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи.

115. Тоирова Норбуви — Бўка районидаги Охунбобоев номли колхоз аъзоси.

116. Тошхўжаева Жўра — Янгийўл районидаги Эркин қишлоғида уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи.

117. Туғушева Завида — Чиноз районидаги Вревский посёлкасида уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи.

118. Фозилова Мунаввар — Сирдарё районидаги Сирдарё посёлкасида уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи.

119. Халилова Турди — Бўка районидаги Хўжақўрғон қишлоғида уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи.

120. Хан Ксения — Гулистон районидаги Крестьянское қишлоғида уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи.

121. Ҳошимова Раҳбар — Тошкент шаҳрида уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи.

122. Чолақьянс Люсик Жамшудовна — Тошкент шаҳрида уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи.

123. Шораҳмедова Ўмри — Тошкент шаҳрида уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи.

124. Шораимова Санобар — Тошкент шаҳрида уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи.

125. Ёқубова Лазокат — Тошкент шаҳрида уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи.

126 Яхёева Тожи — Янги ер шаҳрида уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи.

ФАРҒОНА ОБЛАСТИ БУЙИЧА

127. Абдурашидова Ойтўра —Косонсой районидаги Косонсой посёлкасида уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи.

128. Орзиқулова Адолатбу —Бағдод районидаги Чунбоши-Қўнғирот қишлоғида уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи.

129. Аҳмедова Нортожи — Тўрақўрғон районидаги Тўрақўрғон қишлоғида уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи.

130. Қурбонова Хайринисо —Тўрақўрғон районидаги Тўрақўрғон қишлоғида уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи.

131. Ниёзова Фотима — Киров районидаги магазин мудири.

132. Нурматова Хосият — Охунбобоев районидаги М. Горький номли колхознинг аъзоси.

133. Сунгурова Раиса — Қўқон шаҳрида уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи.

134. Ҳошимова Турсуной — Фарғона районидаги Аввал қишлоғида уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи.

135. Йўлдошева Ирисхол — Поп районидаги Чалак қишлоғида уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи.

136. Йўлдошева Қория — Марғилон шаҳрида уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи.

137. Йўлдошева Ўринби — Қува районидаги «Социализм» колхозининг аъзоси.

ХОРАЗМ ОБЛАСТИ БУЙИЧА

138. Алиева Онабиби — Шовот районидаги «Коммунизм» мактабининг ўқитувчиси.

139. Оллаберганова Онажон—Шовот районидаги Шовотқалъа қишлоғида уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи.

140. Оллаберганова Шарифа — Янгиариқ районидаги Жданов номли колхознинг аъзоси.

141. Жуманиёзова Муслима — Янгиариқ районидаги «Ўзбекистон» колхозининг аъзоси.

142. Исмоилова Ойимжон — Янгиариқ районидаги Чапаев номли колхознинг аъзоси.

143. Мадаминова Шарифа— Гурлан районидаги «Победа» колхозининг аъзоси.

144. Мадраимова Ражабгул — Янгиариқ районидаги Жданов номли колхознинг аъзоси.

145. Матжонова Қурбон—Ҳазорасп районидаги «Октябрь» колхозининг аъзоси.

146. Назарова Жумагул — Қўшкўпир районидаги Хрушчев номли колхознинг аъзоси.

147. Рўзимова Шукур — Урганч районидаги Тозадўрмон қишлоғида уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи.

148. Сармина Устенья Тимофеевна — Хонқа районидаги Хонқа қишлоғида уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи.

149. Холбоева Қиздаргул — Янгиариқ районидаги Араб қишлоғида уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи.

150. Йўлдошева Ҳайитжон — Хонқа районидаги Тома қишлоғида уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР БУЙИЧА

151. Абдуллаева Розиқ — Беруний районидаги «Коммунизм» колхозининг аъзоси.

152. Абдуллаева Ёқутжон — Тўрткўл районидаги Ленин номли колхоз аъзоси.

153. Абиева Фотима — Кегайли районидаги магазин мудири.

154. Давлатова Тўхта — Тўрткўл район маданият бўлимининг ходими.

155. Эшмуротова Зайнаб — Қўнғирот районидаги Қўнғирот посёлкасида уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи.

156. Қурбонниёзова Жаҳсигул — Тўрткўл районидаги «Ленинград» колхозининг аъзоси.

157. Матюсупова Ўғилжон — Тўрткўл районидаги «Ленинград» колхозининг аъзоси.

158. Рейпназарова Гулжамила — Кегайли районидаги «Кегайли» совхозининг ишчиси.

159. Тожиева Гавҳар — Тўрткўл районидаги Сталин номли колхознинг аъзоси.

160. Утениёзова Оманбека —Тахтакўпир районидаги «Москва» совхозида уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. БРЕЖНЕВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль. 1961 йил, 21 январь.

*) Бошқа «Қизил Ўзбекистон»нинг 25 январь сонида босилган.

ЦЕЛЛЮЛОЗА-ҚОҒОЗ САНОАТИМИЗ ЯНАДА ЮКСАЛСИН!

(Бошқа биринчи бетда)

учун, машиналарнинг бекор туришини камайтириш учун кураш олиб боришлари зарур. Бу чора мамлакатимизга қўшимча равишда минг-минг тонналаб қоғоз ва картон тайёрлаб беришни таъминлайди.

Целлюлоза заводларининг ходимлари, дейилади мурожаатда, резервларни дадил қидириб топингиз, қоғоз пиширилаётган қозонлар оборотини қисқартириш учун, қозоннинг бир кубометридан целлюлоза олишни кўпайтириш учун ва технология процессининг ҳамма босқичларида нобудгарчиликни камайтириш учун курашингиз. Шуни эсда тутингизки, ички резервларни сафарбар қилиш ва орқада қолаётган целлюлоза заводларини илғор корхоналар даражасига етказиш мамлакатимизга қисқа вақт ичида қўшимча равишда юз мингдаб тонна целлюлоза етказиб беришни таъминлай олади.

Ишлаб чиқариш новаторлари ва илғорларининг ташаббусини бутун ҳоралар билан қўллаб-қувватлаш, уларнинг муваффақиятлари ва тажрибаларини барча корхоналарнинг мулки қилиш, эскилик, консерватизм, қолоқликка қарши кескин кураш олиб бориш, коммунистик меҳнат бригадалари, цехлари ва корхоналари деган фахрий ном олиш учун ўтказилаётган мусобақа қатнашчилари сафини кенгайтириш керак.

Бутуниттифоқ кенгашининг қатнашчилари машинасозларни целлюлоза-қоғоз саноати учун керакли бўлган ва саноатнинг ана шу соҳасида техникани тараққий эттиришни таъминлайдиган янги, юқори унумли машиналар, агрегатлар ва аппаратларнинг лойиҳасини тезроқ тузиш ва яратишга даъват этадилар. Лойиҳалаш бюроларининг ходимлари мавжуд камчиликларни тезликда бартараф қилишлари ва целлюлоза-қоғоз саноатининг лойиҳалаштирилаётган корхоналари техника даражасини анча ошириш ва бу ишнинг қийматини камайтиришни таъминлашлари лозим. Қурилиш ташкилотларининг ишчилари, инженерлари ва техниклари целлюлоза-қоғоз корхоналари қурилишини жадаллаштиришлари, янги ишлаб чиқариш қувватларини муддатидан илгари ишга туширишни таъминлашлари, қурилишнинг сифатини яхшилаш ва таннархини камайтириш тўғрисида доим ғамхўрлик қилишлари керак.

Кенгаш қатнашчилари КПСС XXII съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани қизитиб юборишга, етти йиллликнинг учинчи йили — 1961 йилнинг целлюлоза-қоғоз маҳсулотларининг ҳамма турларини ишлаб чиқариш, целлюлоза-қоғоз корхоналари қуриш ва уларни реконструкция қилиш, янги ишлаб чиқариш қувватларини тезликда ишга туширишни ва ўзлаштириш юзасидан белгиланган топшириқларни муваффақиятли суратда тўла ва ошириб бажаришга даъват этадилар.

Кенгаш қатнашчилари целлюлоза-қоғоз саноатининг барча ходимлари номидан Коммунистик партия ва Марказий Комитетни, ҳукуматни ва бутун халқимизни ишонтириб айтадиларки, целлюлоза-қоғоз саноатининг ходимлари халқ хўжалигининг ана шу тармоғини кескин суратда юксалтиришга эришадилар ва мамлакатимизда коммунизм қурилишига муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

ФАННИНГ ПРАКТИКА БИЛАН ҲАМКОРЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАЙЛИК

ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ ЙИЛЛИК ЙИҒИЛИШИДАН

Совет фанининг ҳозирги вақтдаги асосий вазифаси етти йиллик суръатларини жадаллаштиришдан иборатдир. Бу вазифа КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми қарорларида алоҳида уқтириб ўтилди. Республика Фанлар академияси академиклари ва корреспондент аъзоларининг 25 январда Тошкент олимлар уйида ўтказилган йиллик йиғилишида Ўзбекистон олимлари халқ хўжалигига бутун ҳоралар билан ёрдам бериш соҳасида партия томонидан илгари сурилган масъулиятли вазифаларни қай тарзда ҳал қилишлари кераклиги ҳақида гапирилди.

Йиғилишда фаннинг ишлаб чиқариш билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш соҳасида баъзи бир муваффақиятлар қўлга киритилганлиги қайд қилиб ўтилди. Масалан, ўтган йил мобайнида тадқиқот лабораторияларида яратилган 78 асар ишлаб чиқаришга жорий қилинди. Ўтган йилнинг якунлари ҳақида доклад қилган Ўзбекистон фанлар академиясининг бош Илмий секретари Х. Ф. Фозилов, академик У. О. Орифов, академиянинг корреспондент аъзоси Х. У. Усмонов ва йиғилишнинг бошқа қатнашчилари практикларга қўл келган ва катта иқтисодий самара берадиган бир қанча ажойиб тадқиқотларни айтиб ўтдилар.

Ядро физикаси институти турли технология процессларини автоматлаштириш имконини берадиган бир қанча радиозотоп приборлар ясади. чигит тукини тозалайдиган машинани кўплаб ишлаб чиқариш учун топширди. Бу машина ҳар йили пахтачиликда неча юз миллион сўм маблағни тежайди. Математикар ҳисоблаш маркази ташкил қилинганлигидан фойдаланиб, мамлакатнинг ҳамма корхоналари учун кўплаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини контроль қиладиган ва жуда қулай бўлган «ГОСТ» жадвалларини тайёрладилар.

Химиклар пахтакорларга ғўза баргларини комбинациялаштирилган усулда дефолиация қиладиган кучли таъсир кўрсатадиган препаратларни бердилар. Улар ишчилар билан биргаликда Шарғун кўмиридан сифатли брикетлар ҳосил қилдилар, ғўзапоя гидролизини саноат синовларидан ўтказдилар, пахта чиқиндиларидан янги полимерлар ҳосил қилдилар, қимматли доривор препаратлар ажратдилар. Энергетика ва автоматика институти Жўн ва Зах — Келес суғориш системаларини телемеханизациялаштириш учун ирригаторларга аппаратуралар комплектини берди. Механика институти «Ташсельмаш» заводи билан ҳамкорликда янги конструкциядаги, кўпгина афзалликлари билан фарқ қиладиган пахта териш машиналарининг тажриба нусхаларини тайёрлади. Геологлар, гидротехниклар, физиологлар, ботаниклар, фаннинг бошқа соҳаларининг намояндалари ҳам ишлаб чиқаришни такомиллаштиришга маълум даражада ҳисса қўшдилар.

Бироқ, йиғилишда ҳақли равишда кўрсатиб ўтилганидек, илмий тадқиқотларни халқ хўжалигига жорий қилиш ишларининг аҳволи ҳали қониқарли эмас, кўпгина ҳолларда ишлаб чиқилаётган проблемаларнинг савияси ҳозирги замон талабларига жавоб бермаётганлигидан ана шундай аҳвол рўй бермоқда. Олимлар ўз тадқиқотларининг иқтисодий самарасига тегишли эътибор бермайдилар. Академия системасида кучли тажриба базаси йўқлиги кашфиётларнинг амалда татбиқ қилинишига жиддий тўсқинлик қилмоқда.

Кўпгина ҳолларда ишлаб чиқариш ташкилотларининг айби билан у ёки бу ихтирони жорий қилиш чўзиб юборилмоқда. Бу ташкилотлар фан ихтироларини ишлаб чиқаришга жорий қилишга унчалик қизиқмайдилар ва оператив равишда ишламаётирлар. Масалан, Тошкент тўқимачилик комбинатининг раҳбарлари Кимё полимерлари институти томонидан таклиф қилинган ва энг яхши мутахассислар томонидан маъқулланган ип газламаларнинг сифатини яхшилаш усулини жорий қилишдан бош тортганликларини тўғри деса бўладими? Ўзбекистон олимлари ўз кашфиётларининг жорий қилинишига ўз тадқиқотларини ўтказишда нақадар зўр ғайрат билан бўлсалар шу қадар зўр ғайрат билан ҳаракат қилишлари лозим. КПСС XXI съезди ва партиянинг кейинги пленумларининг қарорлари уларнинг зиммасига ана шундай вазифани юкламоқда, коммунистик қурилишнинг улуғвор вазифалари улардан ана шуни талаб қилмоқда.

Ўзбекистон фанлар академиясининг академиклари Н. В. Лавров, Т. А. Саримсоқов, Экономика институтининг директори О. Б. Жамолов илмий кадрлар тайёрлаш масаласини кескин қилиб қўйдилар. Кейинги йиллар мобайнида академияда 38 та янги лаборатория, бўлим ва сектор ташкил қилинди. Ходимлар сони бир ярим минг кишидан зиёд кўпайди. Уларнинг умумий сони жиҳатидан академия республика академиялари системасида ҳозир иккинчи ўринни эгаллаб турибди. Аммо юқори малакали мутахассислар, фан докторлари ва кандидатларининг процент нисбати жуда паст даражададир. Юқори малакали кадрлар масаласи ҳозирги вақтда биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган масаладир. Бундай кадрларни академиянинг ўзида етиштириш керак. Бу йил ана шу муҳим ишни кучайтириш керак. Аспирантуралар орқали илмий кадрлар тайёрлашни кескин суратда кўпайтира бориб, уларни Москва, Ленинград, Киев ва бошқа йирик илмий марказлардаги илмий-тадқиқот институтларига ҳамда олий ўқув юртларига юбориб туришга алоҳида эътибор бериш лозим. Академия йил сайин кенгайиб боради. Ўзбекистондаги олий ўқув юртларини тамомлаган кўпгина кишилар академияга келиб туради. Бироқ уларни тайёрлаш сифати ҳали янги талабларга жавоб бермаётир.

Назарий ва тажриба тадқиқотлари савиясини бутун ҳоралар билан ошириш академиянинг халқ хўжалиги билан алоқасини янада мустаҳкамлаш, техникани янада тараққий эттириш йўлида унинг самарали ишлашининг гаровидир. Бу соҳада баъзи ижобий натижалар қўлга киритилган бўлса ҳам лекин умумий аҳволни қониқарли деб бўлмайди. Республика экономикасини ривожлантириш учун катта аҳамиятга эга бўлган кўпгина проблемалар — табиий газни рационал ишлатиш ва фойдаланиш, синтетик полимерлар кимёси, рангли металлургия ва бошқа проблемалар бўйича йирик комплекс тадқиқотлар ҳали кенг қўламларда олиб борилмаётир. КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг қарорлари пахтачилик ва ирригация, чўлларни ва ярим сахро яйловларни ўзлаштириш соҳасида илмий тадқиқот ишлари олиб бориш юзасидан Ўзбекистон олимлари зиммасига кўпгина вазифаларни юклайди.

Йиғилишда СССР Фанлар академияси география институтининг директори И. П. Герасимов, Ўзбекистон Фанлар академиясининг президенти Х. М. Абдуллаев, республика фанлар академиясининг академиклари Т. Н. Қори-Ниёзов, В. В. Пославский, А. Ю. Юнусов, академияниқг Қорақалпоғистон филиалининг раиси М. Нурмуҳамедов, Ботаника институтининг директори С. А. Асқарова, Энергетика ва автоматика институтининг директори М. З. Хамидхонов, Механика институти директорининг ўринбосари А. А. Каримовлар сўзга чиқдилар.

Йиғилиш халқ хўжалигига ёрдамни ҳар томонлама кучайтиришга қаратилган катта қарор қабул қилди. КПСС XXII съездини техникани тараққий эттириш йўлидаги янги илмий зафарлар билан кутиб олишга, тадқиқотчи кадрлар тайёрлашни яхшилашга, фан ва техника ютуқларини кенг пропаганда қилишни уюштиришга, ўқитувчилар учун илмий билимлар университетини, шунингдек инженерлар, техниклар ва ишлаб чиқариш илғорлари учун илмий-техника билимлари университетини ташкил этишга қарор қилинди.

Етти йилликнинг учинчи йили учун илмий-тадқиқот ишларининг проблема-тематик плани қабул қилинди. Бу план 113 проблема ва 467 темани ишлаб чиқишни кўзда тутади. Ана шу проблема ва темалар коммунизм қурилиши авж олдирилган даврда Ўзбекистон экономикаси ва маданиятини жадал суръатлар билан тараққий эттириш учун жуда катта аҳамиятга эгадир.

Йиғилиш ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари Ф. Е. Титов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари З. Р. Раҳимбобоева, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. О. Азимов қатнашди. (ЎзТАГ).

ХОТИН-ҚИЗЛАР ТЎГАРАГИ

Фарғона районидаги Ленин номли колхоз бошланғич партия ташкилоти хотин-қизлар учун сиёсий тўгарак ташкил қилди. Тўгарак қатнашчилари КПСС XXI съезди ва партия Марказий Комитети Пленумлари ҳужжатларини, Н. С. Хрушчевнинг нутқларини, коммунистик ва ишчи партиялар вакиллари Кенгашининг материалларини қунт билан ўрганмоқдалар.

Тўгаракка юқори маълумотли агроном коммунист Ҳуснибону Жўраева пропагандистлик қилаётир Ҳ. Рўзиева, М. Эралиева, О. Усмонова, Ҳ. Аҳмедова, О. Эшонова сингари тингловчилар ўтилган материалларни яхши ўзлаштириш билан бирга Турсуной Охунованинг пахта териш машинасини бошқаришдаги тажрибасини ҳам ўрганаётирлар.

Машғулот хонасига қизиқарли фотоальбом, схема-диограммалар қўйилган

Ш. САИДУМАРОВ.

Касаба союзларининг энг муҳим вазифаси

ВЦСПС VI пленуми қатнашчилари 24 январда КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг қарорлари муносабати билан касаба союз ташкилотларининг вазифаларини муҳокама қилишни давом эттирдилар. Республика, ўлка, областлар касаба союз ташкилотларининг, совхозларининг раҳбарлари, қишлоқ хўжалик машинасозлиги корхоналарининг мутахассислари, новаторлар ўз фикрлари, таклифлари, келажакка мўлжалланган режалари ҳақида гапирдилар.

Музокаралар тамом бўлганидан кейин В. В. Гришин якунловчи нутқ сўзлади.

В. В. Гришин доклади юзасидан кенг қарор қабул қилинди. Қарорда, жумладан, бундай дейилади:

ВЦСПСнинг VI пленуми партия Марказий Комитети январь Пленумининг қарорларини маъқуллаб, меҳнаткашларнинг ижодий кучғайратини қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада юксалтириш учун курашга сафарбар қилиш барча касаба союз ташкилотларининг энг муҳим вазифаси деб ҳисоблайди. Касаба союз ташкилотлари совхоз коллективларининг юксак, лекин реал социалистик мажбуриятлар олишларига эришишлари, бу мажбуриятларни бажариш йўлидаги курашни ташкил этишлари лозим.

Қарорда яна бундай дейилади: Бутун совет халқи каби СССР касаба союзлари ҳам коммунистик ва ишчи партиялар вакиллари Кенгашининг ҳужжатлари тинчлик, демократия ва социализм улуғ иши учун курашнинг жанговар программаси деб ҳисоблаб, бу ҳужжатларни чуқур мамнунлик билан кутиб олди.

ВЦСПСнинг VI пленуми касаба союзларининг 55 миллион аъзоси номидан Коммунистик партияни, унинг ленинчи Марказий Комитети ва КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари ҳамда СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. С. Хрушчевни ишонтириб айтадики, совет касаба союзлари КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг қарорларини муваффақиятли амалга ошириш учун, мамлакатимиз халқ хўжалигини янада тинмай юксалтириш учун, марксизм-ленинизм ғояларининг тантанаси учун курашга бутун куч ва ғайратларини сарф қиладилар.

* * *

Шундан кейин пленум ташкилий масалаларни қараб чиқди.

К. Ф. Москальц бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан пленум уни ВЦСПС президиуми аъзоси вазифасидан озод қилди.

Ғарби-Жанубий темир йўл Дарница станцияси паровоз депосининг машинисти Г. Т. Чернов ВЦСПС президиумининг аъзоси қилиб сайланди.

Пленум ўз ишини тамомлади.

ХАЛҚ УНИВЕРСИТЕТЛАРИ

Совет кишилари «халқ университети» деган ажойиб сўзни ишлата бошлаганларидан бери энди икки йил ўтди. Халқ ташаббуси билан бунёдга келган ва иш жамоатчилик асосида олиб бориладиган бундай типдаги ўқув юртлари ҳамманинг ҳурматига сазовор бўлди, коммунистик идеологияни пропаганда қилишнинг, меҳнаткашлар умумий билим доирасини кенгайтиришнинг муҳим воситаси бўлиб қолди.

Ўзбекистонда ҳозиргача 75 халқ университети ташкил этилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети чақирган республика кенгаши шу университетлар фаолиятини анализ қилишга бағишланди. Кенгаш ишида жамоатчилик асосида ишлайдиган ўқув юртларининг ректорлари, кўзга кўринган олимлар, партия, совет, касаба союз, комсомол ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари қатнашдилар. Республика маданият министрининг ўринбосари Х. Ю. Аслитдинова, Ўзбекистон касаба союзлари советининг секретари И. М. Парамошкин, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг секретари М. Аҳмедова, Ўзбекистон ССР сиёсий ва илмий билимларни тарқатувчи жамият правленияси раисининг ўринбосари Қ. Фозилхўжаев КПСС Марказий Комитетининг ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг маданият университетлари иши ҳақидаги қарорини бажариш юзасидан тадбирлар тўғрисида доклад қилдилар.

Докладчилар, сўнгра эса музокараларда сўзга чиққан нотиқлар кўпгина университетлар маълум даражада ижобий иш тажрибаси тўплаганликларини мамнуният билан қайд қилдилар.

Кенгаш қатнашчилари Қўқондаги пайпоқ-ип йигирув комбинатининг инженери С. Алиев нутқини қизиқиш билан тингладилар. У, коммунистик меҳнат коллективи номини олиш учун курашаётган ана шу корхона ишчилари ва инженер-техник ходимларининг ташаббускорона ишлари ҳақида гапириб берди.

Тошкент область, Оржоникидзе район партия комитети пропаганда ва агитация бўлими мудирининг ўринбосари Ф. М. Саидбурхонова шу район зиёлиларининг қимматли ташаббуси ҳақида гапирди. Бу ерда хотин-қизлар учун маданият университети ташкил қилинди ва муваффақиятли ишламоқда. Бу университетда кўпгина колхозчи хотин-қизлар қатнашмоқда.

Республика пойтахти Ленин районидаги бир группа уйларда яшовчи аҳоли «уйда университет» ташкил қилдилар. Бу университетнинг иши ҳақида ана шу ўқув юртининг ректори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги К. Е. Житов гапириб берди. Уй бошқармаси ҳузурида ташкил этилган университетда хилма-хил факультетлар бўлиб, булар уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи аёлларни ўқишга жалб қилишнинг жуда қулай формасидир.

Тошкент Давлат университетининг доценти Н. Д. Дегтяренко ўзи ректор бўлиб ишлаётган ҳуқуқ билимлари шаҳар университетининг фаолияти ҳақида гапирди. Бу ўқув юрти машғулотларига жамоат тартибини сақлаш бўйича халқ дружиналарининг активистлари, ўртоқлик судларининг аъзолари, халқ маслаҳатчилари қатнашмоқдалар.

Ўқув процессини ташкил қилиш соҳасидаги камчиликларнинг кенгашда қаттиқ танқид қилинганлиги янги ҳаракатни янада ривожлантириш ҳақида кўрсатилаётган ғамхўрлигининг ифодаси бўлди. Бир қанча университетларда меҳнаткашларни тарбиялашга путур етказган ҳолда кўнгил очиш ишларига берилиб кетилганлик фактлари кўрсатиб ўтилди. Айрим жойларда ишга қуруқ назарий қарашга йўл қўйилмоқда. Адабиёт ва санъат асарлари кўпинча турмушдан, тўғриси қурилиш практикасидан ажратилган ҳолда ўрганилмоқда.

Қўқон университетининг ректори В. И. Долженко тажрибали мутахассислар етишмаётган қишлоқ жойларга йирик шаҳарлардан малакали педагоглар юбориш керак, деган таклифни киритди. Кенгаш қатнашчилари бу таклифни қўллаб-қувватладилар. Ягона методик марказда планлаштириладиган бундай командировкалар халқ университетлари сонини кўпайтиришга имкон берур эди.

Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари З. Р. Раҳимбобоева нутқ сўзлади.

Кенгаш ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари **Ф. Е. Титов** иштирок этди. (ЎзТАГ).



Ирригация бўйича махсус давлат конструкторлик бюросида ғўзани ер остидан суғорадиган машина конструкция қилинди ва тажриба нусхаси тайёрланди. Бу машина бир вақтнинг ўзида экинни суғоради, қатор ораларини юмшатади ва бегона ўтларни йўқотади. Агрегат «ДТ-24» тракторига осилади. Бу трактор билан бир сменада 6 гектар ерни суғориш мумкин. Бунда гектарига 200 кубметр сув сарфланади. СУРАТДА: тракторга осилган янги агрегат.

В. Кожевников фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

МУТАХАССИС МАСЛАҲАТИ

Я Х О Б

Бу йилги қиш об-ҳавоси республикамизнинг ҳамма районларида аввалги йилдагидан кескин фарқ қилади. Ўтган йил декабрда ва бу йил январь ойининг икки ўн кунлигида ёғингарчилик бўлмади. Шунинг натижасида 1960 йил 1 октябрдан 1961 йил 21 январгача Ўзбекистоннинг ҳамма жойида нам аввалги йилдагига нисбатан анча камайиб кетди.

Пахтакор районларда қишнинг ўтган 50 куни мобайнида бирор марта ҳам ёмғир ва қор ёғмаганлиги, айниқса ташвишлидир. Бу эса, тупроқдаги мавжуд намнинг бугланиб кетишига, ернинг қақраб қолишига сабаб бўлмоқда. Тупроқдаги намнинг ҳолати текширилган ва шу нарса маълум бўлдики, пахтакор районларнинг кўпчилигида нам тупроқнинг юза қатламидагина қолган, яъни нам сақланган чуқурлик 10-40 сантиметр ўртасидадир. 40 сантиметрдан ортиқ чуқурликда нам бутунлай йўқ. Ваҳоланки нам бир метргача чуқурликда бўлиши талаб этилади.

Республиканинг жанубий районларида ахвол яна ҳам оғир. Илгари Қашқадарё области территориясида тупроқнинг юза қатламида ҳам, чуқур қатламида ҳам нам бутунлай қолмаган дейиш мумкин. Текшириш ҳар бир метр ерда атиги 190 куб метр сув борлигини кўрсатди. Ҳолбуки, Самарқанд областининг Жиззах районида декабрь ойида экин майдонлари бир марта суғорилганда ҳар бир метр ерда 1780 кубметр, Андижон областининг Ворошилов районида 2140 кубметр, Фарғона областининг Қува районида 2729 кубметр нам ҳосил бўлган.

Бу мисоллар республиканинг ҳамма районларидаги қишлоқ хўжалик экинлари майдонларида нам тўплаш ишларини яхши ташкил этишни, ерларга кўпроқ яхоб бериш зарурлигини кўрсатади. Экин майдонларига яхоб бермасдан туриб улардан мўл ҳосил олиб бўлмайди, меҳнат зое кетади, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш юзасидан олинган мажбуриятнинг бажарилишига путур етади.

Маълумки, 1959-1960 йил кузқиш фаслларида республиканинг кўпчилик районларида тупроқда етарли нам тўплашга эътиборсизлик билан қаралди. Бир қатор колхоз ва совхозларда шудгор юқори сифатли борона қилинмади. Ана шундай участкаларда ғўзанинг нормал қалинликда ва гектарларнинг тўла бўлишига эришиш учун қўл билан оласига чигит экишга тўғри келди. Аммо баъзи хўжаликларда бу иш ҳам ўз вақтида ўтказилмади. Ончагина колхоз ва совхозларда оласига қўлда чигит экишнинг сифати бузилди. Шунинг учун ҳам бундай жойларда ғўза сийраклигича қолди, гектарлар тўла бўлмади, пахтадан кам ҳосил олинди.

Бундай жиддий хатоларга йўл қўйган хўжаликларнинг раҳбарлари ундан тегишли хулоса чиқариб олишлари керак эди. Бироқ, ундай бўлмаётир. Экинзорларга яхоб бериш йўли билан кўпроқ нам тўплаш соҳасида йўл қўйилган камчиликлар бу йил яна такрорланмоқда. Ана шундай колхоз ва совхозларда яхоб бериш кечиктириб юбориляпти. Андижон областининг хўжаликларида 11 январгача экин майдонларининг фақат 4 процентига, Самарқанд областида 8,8 процентига, Фарғона областида 23,7 процентига яхоб берилди, холос. Бухоро областининг колхоз ва совхозларида яхоб бериш-га шу вақтгача киришилган эмас. Ҳолбуки, бу областнинг ерлари яхобни кўпроқ талаб қилади.

Республикада 21 январгача ҳамма экин майдонларининг 26,4 процентига яхоб берилди. Бу — мутлақо етарли эмас. Ёғингарчилик жуда кам бўлаётган, тупроқ қуриб қолаётган бу йилги шароит ерда намни ҳар йилдагидан ҳам кўпроқ тўплашни, сувни чуқурроқ сингдириш тадбирларини амалга оширишни тақозо этади. Ишни шундай ташкил қилиш керакки, 1961 йилда қишлоқ хўжалик экинлари экиладиган ерларнинг бирор гектарига ҳам қишки сув берилмасдан қолмасин.

Тошкент об-ҳаво бюросининг маълумотларига қараганда шу йил февралда республиканинг кўпчилик районларида ёғингарчилик деярли нормал ҳолда бўлади. Лекин, бу — тупроқда талаб қилинган миқдорда нам тўплаш учун етарли эмас. Ёғингарчилик ҳар қанча кўп бўлса ҳам, яхоб сувининг ўрнини боса олмайди. Шунга кўра январь, февраль ва март ойларида ерни албатта суғориш, шу билан бирга шўр ерларни яхшилаб ювиб, унинг тузини тўла равишда йўқотиш керак.

Қишда экин майдонларига яхоб беришнинг агротехникаси ёзда ғўзани суғориш усулидан ҳеч қандай фарқ қилмайди. Яхоб ҳам экинларни суғориш каби чуқур эгат орқали берилади. Эгат сувнинг чуқур сингишига ва тежаб-тергаб сарфланишига имкон беради. Чуқур эгат орқали секин оқизилган сув тупроқни бир меёрда намлайди, ҳамма ерга текис тегади, бир метргача чуқур сингади. Натижада тупроқнинг структураси яхшиланади, қишлоқ хўжалик зараркунандалари бирмунча қириб ташланади.

Ана шуларга кўра ерни албатта чуқур эгат олиб суғориш керак. Эгат картанинг катта-кичиклигига, ернинг паст-баландлигига қараб олиниши лозим. Эгат олишда машиналардан тўла ва унумли фойдаланиш, бу иш учун энг яхши механизаторларни ажратиш, яхоб беришга тажрибакор сувчиларни қўйиш зарур. Колхоз ва совхозларнинг агрономлари суғоришнинг сифати устидан назоратни кун сайин кучайтиришлари шарт. Эгат олмасдан ёпасига бостириб суғоришга йўл қўйиш ярамайди.

Тупроқда намни кўпроқ тўплаш ва уни тўла сақлаб қолиш йўли билан баҳорда экишнинг қисқа вақт ичида ўтказилишига, чигитнинг қийғос униб чиқишига, арзон ва мўл пахта етиштирилишига эришайлик, бунинг учун яхоб беришни тўғри ташкил этиб, ҳамма ерни қишда яхши суғориб олайлик.

В. КОВАЛЕНКО,
Ўзбекистон ССР гидрометеорология хизмати бошқармасининг сектор бошлиғи.

ПОЙАРИҚ РАЙОНИДА

ҒАЛЛА ДУКОНЛАРИ

Район матлубот жамияти меҳнаткашларга савдо хизмати кўрсатишни яхшиламоқда. Ҳозир районда юздан ортиқ магазин аҳолига хизмат қиляпти. Қуйбишев номли, «Ленинизм», Сталин номли колхозларда ва Челан қишлоғида галла, ун билан савдо қиладиган дўконлар қурилаётир. Бу дўконлар яқин кунларда ишга туширилади.

«АРЧА» УСУЛИДА

Оҳунбобоев номли совхознинг «Бешкапа» бўлимидаги фермада сигирлар прогрессив «Арча» усулида суғишга кўчирилди. 100 бош сигирни 2 киши суғаётир. Тамара Коньшина ва Мусфера Каримовалар ўтган йили ҳар сигирдан 3500 килограммдан сут суғиб олган эдилар. Бу қизлар янги йилнинг 15 кунида ҳар сигирдан 200 килограммдан сут суғиб олдилар.

ИЛҒОРЛАР «ВОЛГА» СОТИБ ОЛДИ

Қултой Нариманов, Эгамназар Абдураупов, Қўлдош ота Турсунов ўртоқлар бошлиқ юқори ҳосилли бригадалар ўтган йили ҳар гектар ердан 35-40 центнердан «оқ олтин» териб топширдилар. «Москва», Калинин номли, Сталин номли колхозларнинг бу бригада бошлиқлари ўз жамғармаларига «Волга» енгил автомашиналари сотиб олдилар.

А. ЮСУПОВ.

КЎП БОЛАЛИ ОНАЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

Кўп болали ва ёлғиз оналарга ғамхўрлик тобора яхшиланмоқда. Район социал-таъминот бўлими ўтган йилнинг ўзидагина 3 миллион сўмлик нафақа пули тўлади. Оналардан 358 киши ҳукуматимизнинг орден ва медаллари билан мукофотланди.

Экономика проблемалари, резервлари, истиқболлари жарчиси

— Кенг миқёсдаги умумхалқ кураши билангина биз коммунизм чўққиларини эгаллай оламиз. Н. С. Хрушчевнинг бу сўзлари ўтган йил ёзида чиқа бошлаган КПСС Марказий Комитетининг «Экономическая газета»си биринчи сони учун эпиграф бўлди.

Янги марказий газетанинг бу сони 1960 йил 1 июнда чиқарилган бўлса ҳам барибир газета совет иқтисодий матбуотининг тўнғичи ҳисобланади. Чунки, бу газета биринчи марта В. И. Ленин ташаббуси билан 1918 йилда ташкил қилинган эди.

«Экономическая жизнь» газетаси 1923 йил 6 ноябрда Ленининг «Экономическая жизнь» газета редакциясига мактуб» деган мақоласини босиб чиқарди. Бу мақолада совет иқтисодий матбуотининг бош йўли белгилаб берилган эди.

Совет матбуоти Коммунистик партия асосчисининг васиятларини оғишмай амалга оширди.

Мамлакатимиз халқ хўжалиги ўша пайтдан буён жуда тез суръат билан ўсди. Саноатни техника жиҳатдан қайта қуроллантириш, янги техника ва технологияни кенг жорий қилиш вазифалари муваффақиятли ҳал қилинмоқда.

Коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш вазифаси Коммунистик партиянинг содиқ ёрдамчиси бўлган бу газетани яна қайта чиқара бошлашни талаб қилди. Янги «Экономическая газета» Ленин ташкил қилган «Экономическая жизнь» газетаси ишининг давомчиси, унинг шонли жанговар традицияларини давом эттирувчи бўлди.

«Экономическая газета» совет жамияти ҳаётининг шундай соҳасини ёритмоқдаки, марксизм-ленинизм классиклари бу соҳани инсон фаолиятининг ҳал қилувчи соҳаси — моддий ишлаб чиқариш доираси, деб ҳисоблаган эдилар. Газета саҳифаларида мақолалар, очерклар, хат-хабарлар, репортажлар босилиб, буларда совет кишилари коммунизмнинг моддий-техника базасини қандай яратаётганликлари, мамлакат иқтисодий потенциалини ўсиши қандай рўй бераётганлиги, халқ хўжалигининг барча тармоқларида меҳнат унумдорлиги қандай ўсаётганлиги ҳикоя қилинади.

Газета партия матбуотининг ленинча традицияларини ривожлантириб меҳнаткашларни иқтисодий жиҳатдан тарбиялаш, миллионларча омманинг мусобақасини ташкил қилиш, саноат ва қишлоқ хўжалигидаги илғор кишиларнинг тажрибасини кенг ёритишга катта эътибор бермоқда. Газета редакцияси техникани тараққий эттириш ишига, ватан ва чет эл фани ҳамда техникаси эришган ютуқларни пропаганда қилиш ва бу ютуқларни халқ хўжалигига жорий этиш масаласига алоҳида эътибор бермоқда. Газета саҳифаларида халқ хўжалиги кенгашларини бошқаришни такомиллаштириш масалалари ёритилмоқда, корхоналар, план ва таъминот органларининг иш тажрибаси ҳақида ҳам кўпроқ ёзилмоқда.

Мамлакатимизда ҳамма нарса инсон учун, инсон бахт-саодати ва фаровонлиги учун қилинади. Шунинг учун ҳам газета халқ истеъмоли буюмларини ишлаб чиқариш, совет савдоси маданиятини ошириш, уй-жой қурилиши масалаларига ўз саҳифасида катта ўрин беради. Шу сабабли ер юзидаги барча ажойиб нарсаларни яратган инсонга, меҳнат аҳлига газетанинг кўпроқ эътибор бериши табиийдир. Газетанинг биринчи сонидан бошлаб унинг саҳифаларида «Инсон ва унинг иши» деган рубрика пайдо бўлди. Ёш Рудний шаҳрининг экскаваторчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Леонид Петров тўғрисида, Митишчинскийдаги машинасозлик заводининг ажойиб слесари Филипп Сосков ҳақида ва кўпгина бошқа кишилар тўғрисида очерклар босилди. Газетхонлар газетада мунтазам равишда босилаётган «Ихтирочи ва рационализатор саҳифаси» рубрикасини ҳам ҳар доим зўр қизиқиш билан кузатиб борадилар.

Газетанинг «Амалий клуб» рубрикасига фан ва техника соҳасида ишловчи энг йирик арбоблар қатнашмоқда. Шунингдек, газетхонлар газетанинг янги—«Ватан техникасининг янгиликлари» саҳифасини ҳам зўр қизиқиш билан кутиб олдилар. Бу саҳифада Москва Давлат университетида вужудга келтирилган ва материалларни ион билан тозалаш учун мўлжалланган установкалар тўғрисида, электр пайвандлаш трубаларини термик жиҳатдан ишлайдиган машина-печлар ҳақида, табиатни, тирик организмларни ва машиналарни масофадан туриб ўрганиш имкониятини берадиган янги телевизион ўлчов системаси тўғрисида ва бошқа қизиқарли масалаларда мақолалар берилмоқда. «Экономическая газета» саҳифаларида социалистик мусобақа қатнашчиларининг чақириқлари мунтазам равишда ёритиб борилади. Шунингдек, газета «Проблемалар, резервлар, истиқболлар», «Илғор тажриба — халқ мулки», «Етти йиллик фронтларида» сингари рубрикаларга ҳам эга.

«Экономическая газета» Южнийдаги 2- кон бойитиш комбинатини, Центральнийдаги кон бойитиш комбинатининг биринчи навбат қисмини ва Ново Кривой-Рог комбинатида агломерацион фабрикани 1960 йилда ишга туширишга қарор берган Кривой-Рог бинокорлари ва монтажчиларининг чақирғини биринчи бўлиб қўллаб-қувватлади. Газета бу ҳақда ёзишгина қолмасдан, балки бу қурилишларнинг заказлари турли заводлар томонидан қандай бажарилаётганлигини ҳам текширди. Редакция коллективи материал ва машина-ускуналар етказиб берувчи заводларга «Кривой-Рог қурилишларининг заказларига очиқ йўл» деган чақириқ билан мурожаат қилди.

Бутун совет халқи КПССнинг навбатдаги XXII съездини меҳнат соҳасида янгидан-янги муваффақиятлар билан кутиб олишга тайёрлик кўраётган ҳозирги вақтда бутун совет матбуоти сингари «Экономическая газета» олдида ҳам катта ва муҳим вазифалар турибди. Газета ўз саҳифаларида совет кишиларининг етти йиллик планни муддатидан илгари бажариш учун олиб бораётган курашлари, коммунизм чўққиларига дев қадамлар билан яқинлашиб бораётганликлари ҳақида ҳикоя қилмоқда.



УНИНГ ГЎШТ ФАБРИКАСИ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИНИНГ ИЛҒОРЛАРИ — БУЛАР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ НАМУНАЛИ ОЛИБ БОРИШ, ЮКСАК МЕХНАТ УНУМДОРЛИГИГА ЭРИШИШ ЙЎЛЛАРИНИ КЎРСАТУВЧИ ПЕШҚАДАМЛАРИМИЗДИР.

Н. С. ХРУШЧЕВ.

Биз Бўка район партия комитетининг секретари ўртоқ Турғун Ражабов билан унинг кабинетида КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг якунлари, Никита Сергеевичнинг Пленумдаги ёрқин нутқи, районда қишлоқ хўжалигини тобора юксалтириш режалари ҳақида суҳбатлашиб ўтирардик. **Гап чорвачиликни ривожлантириш ҳақида, бу соҳадаги илғор кишилар ҳақида борганида райком секретари «Бўка» совхозида машҳур чўчқабоқар Ярослав Чижнинг муносиб издоши — Николай Иванович Иовлев деган янги чўчқабоқар борлигини, у ўтган йили 1193 чўчқани бўрдоқига боқиб, салкам 110 тонна гўшт топширганлигини, бу йил эса яна ҳам катта ишга бел боғлаганлигини айтди.**

Шу гапдан кейин бизга кимдир гўё «суҳбатнинг давоми ўша кишининг ўзи билан, совхоз фермасида бўлсин!» дегандек бўлди-ю, биз ўша томонга йўл олдик.

Райком секретари йўл-йўлакай райондаги колхоз ва совхозларда пахтачилик билан бир қаторда чорвачиликни, хусусан унинг тез етиладиган ва сердаромад тармоғи бўлган чўчқачиликни, паррандачиликни юксалтириш учун имконият катталиги, бироқ шу вақтгача бу имкониятлар тўла ишга солинмагани, Марказий Комитетнинг январь Пленуми қарорлари асосида бу йил бу соҳада кескин бурилиш ясаш учун қандай тадбирлар белгиланаётганини гапирди.

Бир соат чамаси йўл босгач, кенг қир бағрида — икки томони тахта билан панжара қилиб ўралган катта бостирма яқинида тўхтадик.

— Николай Ивановичнинг гўшт фабрикаси мана шу. Водопровод жўмрагини бураётган анови киши унинг ўзи, — деди совхознинг бош зоотехниги ўртоқ Грипенко.

Олдига фартук тутиб олган, узун соқолли киши — Николай Иванович кутилмаганда келган меҳмонларни кўриб шошиб қолмади, балки қуюқ салом-аликдан сўнг бизни ўз фабрикасига таклиф қилди. У ҳар хонадаги чўчқаларнинг неча ойлиги, ҳозирги тирик вазни, семизлиги, хўралиги ҳақида завқ билан сўзларди. **Унинг ҳар бир сўзидан бу ажойиб табиатли киши ўзининг янги касбидан жуда хурсанд эканлиги яққол сезилиб турарди...**

Николай Ивановичнинг совхозга келганига унча кўп бўлгани йўқ. Лекин у ўзининг ҳалол меҳнати туфайли сал вақт ичидаёқ кўп миллатли шу катта оиланинг энг обрўли, энг ҳурматли фарзандларидан бири бўлиб қолди. Улуғ Ватан уруши фронтидан кантузия бўлиб қайтган собиқ ўқитувчи Н. Иовлев дастлабки вақтларда бинокорлик касбини ўрганди. Унинг бу ҳунари совхозда жуда қўл келди: бир қанча ишчи оиласи қисқа вақт ичида унинг моҳир қўли билан қад кўтарган янги уйларга кўчиб кирди. Шунинг учун совхоздаги каттадан-кичик уни севиб «қўли гул устабобо» дейдиган бўлди.

Биз шу «қўли гул устабобо» ҳақида қандай қилиб машҳур чўчқабоқар бўлиб қолганлигини сўраган эдик, Николай Иванович бажонидил ҳикоя қилиб берди:

— Ростини айтсам, — деб гап бошлади у мийнгида кулиб, — **нейинги уч-тўрт йил ичида қўлимдан на болта ва на арра тушмаган бўлса-да, лекин аслида чўчқабоқар бўлишлик аллақачонлар юрагимга ўт солган эди.** Шунинг учун доғдор чўчқабоқарларнинг ишлари ҳақида газеталарда босилган мақолаларни қунт билан ўқир, радиода берилган хабарларни диққат билан тинглар эдим. Айниқса Ярослав Чиж ва Жўра Султоновларнинг ватанпарварлик ташаббуси менинг бу ишга бўлган ҳавасимни орттириб юборди. Бутун мамлакат КПСС Марказий Комитетининг 1959 йил декабрь Пленумига тайёрланаётган кезларда мен «хўш, нега орзунгни рўёбга чиқара олмайсан» деб ўзимга-ўзим танбиҳ бердим. Ниҳоят ниятимни директор ёки партком секретарига айтиш мақсадида бир кун кечқурун совхоз идорасига йўл олдим. Ҳатто «бу ўйим уларга маъқул бўлмаса, улар қариганлигда чўчқабоқарликни сенга ким қўйибди» дейишса ўшанақаси тўғри райкомга бораман, деб қасд ҳам қилдим.

Идора ёнида бу кишини — совхознинг бош зоотехниги Григорий Павловични кўриб, мақсадимни аввало унга айтақолдим.

— Мақсадингиз яхшику-я, Николай Иванович, — деди Грипенко ўйланиброқ, — лекин биринчи йилнинг ўзидаёқ минг чўчқани боқишлик оғирлик қилмасмикин?

Ўша кеч немаҳалгача суҳбатлашдик. Биргалашиб директор ва партбюро секретари ҳузурига ҳам кириб чиқдик. Улар фикримни қувватлаб, далда беришди. Ўшандан буён кўччилик вақтим мана шулар билан ўтяпти. Буларни илғорлар тажрибаси асосида қруппа усулида боқиб, асосан қуруқ ем едирмоқдаман, — деди Николай Иванович ҳар қайсиси кам деганда 6 пуд келадиган бўрдоқи чўчқаларнинг яғринини силаб.— Кўриб турибсизки, ўтган йилги натижа чакки бўлмади.

— Натижа чакки бўлмади эмас, балки жуда яхши бўлди, — гапга аралашди партбюро секретари М. Акимбоев. — **Бултур совхоз давлатга икки йиллик план миқдорида гўшт топширди. Шундан икки юз тоннаси чўчқа гўшти эди. Унинг бир юз саккиз тоннаси шу «фабрика»да етиштирилди. Бунинг устига Николай Иванович етиштирган гўштнинг таннархи арзонлигини айтмайсизми. Аслида биз хўжалигимизда ҳар центнер чўчқа гўштининг таннархини ўрта ҳисобда 800 сўм** (эски пул ҳисобида) **миқдорида планлаштирган эдик. Николай Иванович етиштирган ҳар центнер гўштнинг таннархи эса, 497 сўмданга тўғри келди.**

Суҳбат вақтида бу камтарин одам ҳар қанча мақтаса арзийдиган ўз иши тўғрисида эмас, балки кўпроқ чорвачиликнинг шу сердаромад тармоғини совхозда жадал ривожлантириш ҳақида, совхоз раҳбарларининг шу муҳим соҳага бўлган муносабатларини тубдан ўзгартириш ҳақида, ўзининг бу йилги улкан режалари ҳақида қуйиб-пишиб сўзларди.

Ҳа, ўртоқ Иовлевнинг бунчалик жон куйдириб гапириши бечиз эмас эди. Чунки, Никита Сергеевич Хрушчевнинг Жўра Султоновга юборган табригидан илҳомланиб, бу йил у ҳам камида 2500-3000 бош чўчқани боқмоқчи эди. Аммо... аммо, қани энди фермада шунга яраша шарт-шароит бўлса... унинг «фабрика»си ҳозирча мана шу атрофи тўсилган биттагина бостирмадан иборат. Фермининг аҳволи: бу ажойиб ватанпарвар кишининг жўшқин ғайрати фермани анча кенгайтиришни, иш жараёнини Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхози ёки Самарқанддаги наслчилик совхози фермаларидаги каби ташкил этишни талаб қилади. Бунинг учун совхозда маблағ ҳам, техника ҳам, мутахассислар ҳам, мўл-кўл ем-хашак базаси ҳам, бошқа имкониятлар ҳам мавжуд. Гап, совхоз раҳбарларининг ташкилотчилигида қолган, холос.

— **Мен шу ҳозирги шароитнинг ўзида ҳам партиямиз XXII съезди шарафига бу йил 2000 бош чўчқани бўрдоқига боқишга аҳд қилдим, — дейди Николай Иванович.**

Офарин Николай Ивановича! Ахир, КПСС Марказий Комитетининг кечагина ўз ишини тугаллаган Пленумида ўртоқ Н. С. Хрушчев мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг энг илғор, энг пешқадам, партия ташкилотлари уларнинг тажрибаларини оммалаштирса арзийди, деган новаторлардан бири шу — ҳурматли ўртоқ Иовлев-да!

Т. СОАТОВ.

СУРАТДА: Тошкент областидаги «Бўка» совхозининг машҳур чўчқабоқари Н. И. Иовлев ўзининг гўшт фабрикасида.

Қ. Розиқов фотоси.

Маданият университетларидан хабарлар

Чирчиқ шаҳридаги қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли металлар комбинати қошида маданият университети ташкил этилди. Университетда фан-техника, адабиёт, санъат арбобларининг ҳаёти ва ижоди ҳақида лекциялар ўқилаётир ва кинофильмлар кўрсатилаётир.

Т. Ўрунов, ишчи.

* * *

Катта Оҳангаронинг йирик райони — Янги Оҳангаронда маданият университети ташкил қилинди. Университетда қурувчилар ва уларнинг оила аъзоларидан 350 киши қатнашмоқда. Университет тингловчилари дастлабки машғулотда Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артист М. Ченчиковнинг «Совет Армияси халқимиз қўшиқларида» деган темадаги лекциясини мароқ билан тингладилар.

Қурилиш ва бинокорлик материаллари саноати ишчилари касаба союзи, Оҳангарон бирлашган қурилиш комитети зарбдор қурилиш ҳисобланган Оҳангарон цемент заводида ҳам маданият университети ташкил қилмоқчи.

(ЎзТАГ).

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ХОДИМЛАРИГА ЁРДАМ

Ўзбекистон ССР Ўрта ва олий мактаб давлат нашриёти доцент Ғ. Миркаримов, Г. Димаков ва Қ. Аҳмедовларнинг «Социалистик қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқаришни уюштириш» номли ўқув қўлланмасини нашр этди.

Бу китоб республикадаги қишлоқ хўжалик олий ўқув юртлари ва техникумларнинг студентлари, колхоз, совхоз ва қишлоқ хўжалигининг бошқа мутахассислари, район партия ва совет ташкилотлари раҳбар ходимлари учун қўлланма сифатида хизмат қилади. Китобда социалистик қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқаришни планлаштириш, меҳнат ва унга ҳақ тўлашни ташкил қилиш, деҳқончилик ва чорвачилик тармоқларида ишлаб чиқариш жараёнларини уюштириш, молия хўжалигини йўлга қўйиш, маҳсулот таннархини камайтириш резервларни қидириб топиш, материал ва маблағларни оз сарфлаш йўли билан кўп маҳсулот етиштириш ва шу асосда колхоз, совхоз хўжалигининг рентабеллигини оширишнинг форма ва методлари баён этилган. Китобда илғор колхоз ва совхозларда тўпланган тажрибалар ҳикоя қилинади.

Ж. ДУСТМУҲАМЕДОВ, У. МИРАЛИЕВ.

КЎЗБЎЯМАЧИЛАР

ФЕЛЬЕТОН

Тарихий 1960 йилнинг охирги кунларида Калинин райони марказидаги ошхоналарнинг бирида катта зиёфат бўлиб, унда район партия, совет ташкилотларининг раҳбарлари, колхоз, совхозларнинг раиси директорлари ва казо-казо кишилар қатнашди. Пиёлалар жаранг-журунги остида нутқ-бозлик бошланди. Катта-кичик амалдорларнинг нутқларида «галаба» сўзи тез-тез қулоқка урилиб турди. Ҳамма нутқни бир ерга тўплаб, мазмуни чаққанда шундай маъно англашилдики, район 1960 йилги картошка ва сабзавот планини қойил мақом қилиб, янги йилга янги ғалабалар билан от қамчилабди. Катта зиёфат, тўкин дастурхон, илҳом булоғи биқирлаб қайнаши натижасида ҳосил бўлган нутқлар ана шунинг учун экан!

Арзимайди дейсизми? Жуда арзийди-да! Экин-тикиндан юқори ҳосил етиштиргандан кейин, йиллик планни «аканг қарагай» деб қийқириқ билан маррасига етказгандан кейин, келгуси йил ҳосилига ҳамма нарсани тахт қилиб қўйгандан кейин галаба рапортини шулар ёзмай, ким ёзсин, зиёфатда шулар пиёла уриштирмай, ким уриштирсин, қайнаб-тошиб шулар нутқ сўзламай, ким сўзласин, ниҳоят, мусобақадошлари олдида ўзларининг бой тажрибаларини шулар гердайиб айтиб бермасдан, ким айтиб берсин!

«Ол кетди — ол қўйди» билан зиёфат ўтиб кетди, райком секретарлари Ғани Мажидов, Г. В. Харченко, райижроқом раиси АҚида Ашрафхонова ва бошқалар катта ғалабадан кейин огизлари қулоқларига етиб, уй-уйларига тарқалишди. Аммо, эртасигаёқ колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари ўртасида ўзаро пичир-пичир бошланиб қолди.

— Кеча лоп деса, ола қоп олиб югурдик-да, ошнам, билмадим, иқнинг охири нима бўлади?

— Дамингни чиқарма, балога қоласан!

— Биз ҳеч вақт планни бу тахлитда бажармаган эдик-ку, ахир?!

— Йўли кўп, огайни...

Районнинг ҳамма ерида гап чувала-чувала «бажарилган план»нинг миси чиқиб қолди.

Воқеа шундай бўлибдики, район раҳбарлари олти ой ёз данг қотиб ухлабдилар, кеч куз пайти уйқусираб, кўз ишқалаб ўринларидан турибдилар, қарасалар, вақт ўтиб кетибди-ю аммо картошка ва сабзавот планини бажаришга ҳали бир от чопим йўл бор. Шундан кейин улар дўппини ерга қўйиб фикр қилибдилар-да, ҳеч кимнинг тушига кирмаган бир йўлни топибдилар:

— Яхшиси, уруғликка ажратилган картошкани топширавериш!

— Кўкламда ҳолимиз нима кечади?

— Ҳеч вақо бўлмайди, шовла кетса кетсин, обрў кетмасин, қанн бўлинглар, амалий ишга!

Райком секретарлари ўзлари иш бошида: «Ҳа қани!—Ҳа, қани!» деб турдилар, баъзи колхоз раислари тихирлик қилганда «Ия, сиз ҳали давлат планини бажаришга қаршимисиз, масалангизни бюрода кўриш керак экан-ку» деб мот қилиб қўйдилар. Кўп совхоз ва колхозларнинг омборлари қоқсуқ бўлди, қоққани қозиқ, осгани хурмача қолмади. Аммо 3043 тонна уруғлик картошка билан мурод-мақсадга етиб бўлмади. Улар дўппини яна бир марта ерга қўйишга мажбур бўлдилар.

— Бўлди, менинг миямга теша тегмаган бир фикр келди, — деди улардан бири.

— Қани-қани!?

— Колхоз, совхозлар пунктга сабзавот ўрнига қанд лавлаги топширади!

— Лавлаги бўлса топширадида?!

— Содда экансиз, биз пунктга кўз қисиб қўямиз, колхоз ва совхозлардан гўё лавлаги қабул қилган бўлиб ҳужжат беради.

— Кейин пункт мудири лавлаги ўрнига ўзини қўядими?

— Бердисини айтгунча ўпкангизни қўлтиқламанг. Пункт ҳужжат беради. Бу ўртада биз «план ни бажардик» деб рапорт бериб оламиз. Кейин ўша колхоз, совхозлар қоғозда топширган лавлагисини чорва моллари учун деб пунктдан қайтариб олади.

— Қойил, қойил! Мана ақилу мана идрок!

Шу режага биноан Хрушчев номли колхоз 100 тонна, Ленин номли колхоз 200, «Москва» колхози 100, «Партия XX съезди» колхози 50, Охунбобоев номли колхоз 20, Навоий номли колхоз 160, Сталин номли колхоз 200, «Тошкент» совхози 600 тонна қанд лавлаги «топширди» ва ҳоказо. Ҳайҳот, 1300 тонна қанд лавлагиси билан ҳам план тўлмади. Дўппи тагин ерга қўйилди. Мажидов, Харченко, Ашрафхонова бир-бирларига узоқ вақт телмириб ўтиришади. Қидирса кон топилади дегандек, бу гал яна тахи бузилмаган, яхлит фикр чиқиб қолди.

— Колхоз, совхознинг чорва моли олти ой ёз бўйи озмунча чиқинди сабзавот еб, ковиш қайтардими? Хўш, моллар лўмбиллатиб еганича кетаверадими?

— Отангизга балли, илиқ-иссиғида буни ҳам планга тиркаш керак!

— Дарвоқе, умумий овқатга ҳам талай сабзи-пиёз кетган-ку?

— Тўғри, бизда беплан еб-ичиш мумкин эмас! Уни ҳам чўтга ташланг!

Чўтга ташланди, ҳисоб-китоб қилинди, тонна-тонна сабзавотлар планга суқиб юборилди. Ана шундан кейингина план «тўлди», район раҳбарлари шоша-пиша «улуғ ғалаба» ҳақида рапорт ёзишга ўтирдилар...

Нега районда картошка ва сабзавот ҳосилининг баракаси учиб кетди, план бажаришда нега бундай янги-янги кашфиётлар келиб чиқди?

Бунинг сабабларидан бири шуки, Мажидов, Харченко ва бошқа раҳбарлар икки қўлни биқинга тираб туриб нутқ сўзлашни яхши биладилару амалий ишга келганда хомуза тортадилар. Райондаги кўп колхоз, совхозларда экинлар ҳосилини арра қилувчи ёлланма кишилар ишлайди. Район ташкилотларининг раҳбарлари бу воқеадан хабардорлар, аммо ўзларини билмасликка соладилар, бу тўғридаги гап-сўзни эшитмаслик учун қулоқларига пахта тиқиб олганлар. Уларнинг фикрича, ёлланма кишилар планни бажаришда катта ёрдам берар эмиш. Тўғри, ёлланмачилар яхши ҳосил етиштиришга етиштиради, тақсимотга келганда сархилини ўзи олиб, нишхўртини колхоз ёки совхозга совға қилади.

Райком секретари Мажидовнинг яқинда тутган тўқуми районда ҳаммани доғда қолдириб тугибди. Калинин райони собиқ Тошкент райони билан бирлашиб, бир бутун район бўлган. Мажидов бўлса, бу бир бутун районни иккига ажратиб, Калинин районига ўнг кўзи, собиқ Тошкент районига чап кўзи билан қараб раҳбарлик қилади. У ўнг кўзи билан қарайдиган томоннинг колхозларида тез-тез намоён бўлади. қўлидан келган маслаҳатини беради, чап кўзи билан қарайдиган томоннинг колхоз, совхозларида эса, аҳён-аҳёнда пайдо бўлиб қолади, шунда ҳам маслаҳат, йўл-йўриқ ўрнига тутун қайтариб келади.

Ана, райондаги колхоз, совхозларга шу йўсинда раҳбарлик қилинади, қишлоқ хўжалик кадрлари билан шу мақомда ишланади! Аҳвол шундай бўлгандан кейин колхоз, совхозларнинг ерларида қандай қилиб экин кўкарди, қандай қилиб ҳосил тугди-ю, қандай қилиб план бажарилди! Шунинг учун ҳам Мажидов, Харченко, Ашрафхонова ўртоқлар бош қаший-қаший, план тўлдиришнинг силлиқ йўлига, статистика маълумотларидан қўймоқ пиширишга ўтиб олдилар. Карта ташлаб, ўз бахтини синаб кўрган, ошиғи олчи турган район раҳбарлари бу йил ўрнидан қўзғолгиси келмай қолди, чунки, улар 1960 йилги иш тажрибаларидан билдиларки, кеч куз, қиш бўйи экин-тикин экишга уруғ тайёргарлик кўрмасалар ҳам бўлар, йил охирига борганда ҳудо статистика маълумотларининг баракасини берса план тўлдириш ҳеч гап эмас экан!

1960 йилги ғалаба кунидан бери районда базим. Карнай, сурнай, ноғора, чилдирма садоси ҳали ҳам авжда.

Ориф ЮНУС.

Қишлоқлараро янги йўллар

УРГАНЧ. («Қизил Ўзбекистон» мухбири). Хоразм областида йўл ва кўприкларни тузатиш ўн кунлиги ўтказилди. Ўн кунликда кўплаб механизмлар қатнашди.

Гурлан—Шовотқалъа ўртасидаги янги йўл қурилишида Гурлан районидаги Ленин номли, Сталин номли, Шовот районидаги Киров номли ва «Москва» колхозларининг аъзолари қатнашдилар. Улар йўл ишлари топшириқларини ортиғи билан бажардилар.

Шунингдек, Янгиариқ, Хазорасп район колхозлари ҳам қишлоқлараро йўл қурилишида актив қатнашиб, катта ҳажмдаги тупроқ ишларини адо этдилар.

С. ИБРОҲИМОВ.

ЛАОС. Патет-Лао қисмларидан бирининг жангчилари Кўзалар водисидаги ғалабадан сўнгги митинг пайтида.

Вьетнам информацион агентлиги фотоси.

ШАРМАНДАЛАРЧА ҚУВИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

НЬЮ-ЙОРК, 26 январь. (ТАСС). Португалиянинг «Санта Мария» лайнерини қувиш учун юборилган Америка ва Англия ҳарбий самолётлари олти кундан бери Атлантика сувлари устида учиб юрибди. «Санта Мария» мачтасида Португалияни Салавар фашистик режимидан озод қилиш учун курашувчилар озодлик байроғини кўтардилар. Турли давлатларнинг, шу жумладан Америка ва Португалия давлатларининг ҳарбий кемалари «Санта Мария»ни топиш ва тутишга интилиб, океан сувларида муваффақиятсиз сузиб юрибдилар. Қўзғолон кўтарган кема эса, информация агентликларининг сўнгги хабарларига қараганда, Тринидаддан мингларча миля шарқда юрибди. Англия ҳарбий кемалари бу қувлашни вақтинча тўхтатдилар, лекин ҳозир кемани қувлашга Англия ҳарбий самолётлари киришдилар. Бундан ташқари, ана шу райондан ўтадиган граждан авиаминияларнинг самолётларига пухта кузатиш ҳақида буйруқ берилган.

Жамоатчиликнинг очиқдан-очиқ норозилигига қарамай, Голландия ҳукумати ҳам Португалия лайнерида Голландия гражданлари бор деган баҳона билан ана шу кемани шармандаларча таъқиб қилишда иштирок этди. Матбуотнинг хабарига қараганда «Санта Мария»ни қидиришда ҳозироқ «Ван Амстел» фрегати ва ҳарбий самолётлар қатнашмоқда.

Ассоциэйтед Пресс мухбирининг кўрсатишича, «Санта Мария»ни таъқиб қилиш — иккинчи жаҳон урушидан кейин ўтган бутун даврда граждан кемасини «мисли кўрилмаган қувишдир».

ЛОНДОН, 26 январь. (ТАСС). Рейтер агентлигининг Париждан хабар қилишича, Салазар режимининг душманларидан бўлган Португалия муҳожирларидан бири Эмидио Геррейро АҚШ президенти Кеннеди ва Англия бош министри Макмилланга телеграмма юборибди, бу телеграммада «Санта Мария»ни тутиш ҳақида фармойиш берган Англия ва Америка ҳукуматларининг ҳаракатларига қарши норозилик билдиради.

«Капитан Галвао ҳаракатлари,— дейилади телеграммада, — фақат сиёсий характерга эга, лекин қароқчилик акти эмас. «Санта Мария» бортидаги воқеалар Португалия территориясида рўй бермоқда ва озодлик учун курашаётган Португалия халқигагина тааллуқлидир».

САЛЬВАДОРДА ҲАРБИЙ ТЎНТАРИШ

НЬЮ-ЙОРК, 26 январь. (ТАСС). Ассоциэйтед Пресс агентлигининг Вашингтондан хабар беришича, бугун давлат департаментида олинган маълумотларга қараганда, Сальвадордаги ҳарбий-гражданн хунтаси ҳукумати ағдариб ташланган.

Сальвадор радио станциясининг хабар қилишича, янги ҳукумат ўзининг ҳарбий ва антикоммунистик ҳукумат эканлигини айтган.

Ассоциэйтед Пресс агентлигининг Гватемаладан билдиришича, ағдариб ташланган ҳукуматда мудофаа министри лавозимини эгаллаб турган Алонсо Кастильо Сальвадор янги ҳукуматига бошчилик қилмоқда.

САЛЬВАДОРДАГИ АҲВОЛ

НЬЮ-ЙОРК, 26 январь. (ТАСС). Ассоциэйтед Пресс мухбирининг Гватемаладан хабар беришича, Сальвадорнинг илгариги ҳукмрон хунтасига содиқ бўлиб қолган қўшинлар ҳукумат саройи рўпарасида жойлашган ҳарбий таянч пунктида мустаҳкамланиб олганлар. Студентлар эски ҳарбий-граждан хунтасини қўллаб-қувватлаш юзасидан намойиш ташкил қилдилар.

Янги хунта демократик арбобларни қамоққа олмоқда ва мамлакатда ҳарбий ҳолат эълон қилди.

КЕННЕДИНИНГ ОҚ УЙДАГИ ДАСТЛАБКИ КУНЛАРИ

ВАШИНГТОН, 26 январь. ТАСС мухбири Г. Шишкин хабар қилади:

АҚШ нинг янги президенти Кеннеди давлат секретари Раск, мудофаа министри Макнамара ва кабинетнинг бошқа аъзолари ҳамда турли бошқармаларнинг раҳбарлари билан ҳар куни узоқ давом этадиган кенгашлар ўтказмоқда. Матбуотнинг хабар беришича, бу кенгашларда биринчи навбатда энг муҳим ташқи сиёсат масалалари—Америка—Совет муносабатлари, қуролсизланиш, ядро қуроллари синовини тўхтатиш, Лаосдаги аҳвол ва бошқа масалалар муҳокама қилинмоқда.

Оқ уйда қандай қарорлар қабул қилинаётганлиги ҳақида ҳозирча ҳеч нарса хабар қилинмаётир. Бироқ газеталар раҳбарликнинг янги услуби ҳақида тобора кўпроқ ёзмоқдалар. «Нью-Йорк таймс» ва бошқа газеталар, президент «осойишта дипломатия» тарафдоридир, деб ёзмоқдалар.

Машҳур обзорчи Липпман Кеннеди президентлик лавозимига ўтганидан кейин шу нарсани эслатиб ёздики, Эйзенхауэр даврида президент эълон қилган умумий яхши принциплар кўпинча у бошлиқ ҳукуматнинг ишларига тўғри келмасди. Шу сабабли у, Кеннединнг президентлик лавозимига киришиш вақтида сўзлаган нутқини табриклаб, «катта умумий қоидаларни сиёсатда ғавдалантириш, сиёсатни эса ҳаракат программасида ғавдалантириш зарурлигини таъкидлаган эди.

Янги ҳукуматнинг дастлабки қадамлари қайси томонга ташланишини сабрсизлик билан кутиб турибдилар. Бу ҳол 25 январь кечқурун бўлиб ўтган Кеннединнг биринчи матбуот конференциясига бўлган жуда катта қизиқишда ўз аксини топди. Президент матбуот конференцияси биринчи марта залдан бевосита ҳамма телевидение станциялари орқали бутун мамлакатга кўрсатилди. Кеннединнг шахсан кўрсатмасига биноан матбуот конференцияси ўтказиладиган жой ҳам ўзгартирилди. Эйзенхауэр ўз матбуот конференцияларини, мухбирларнинг жой торлиги ва гапнинг ёмон эшитилиши ҳақидаги доимий шикоятларига қарамай, Оқ уй ёнидаги эски маъмурий бинода ўтказар эди. Кеннеди матбуот конференцияси Оқ уйдан узоқ жойда — давлат департаменти янги биносидаги шу мақсадлар учун махсус ускуналанган конференц-залида ўтказилди. Президентнинг шахсан кўрсатмасига биноан конференцияни ўтказиш тартиби ҳам ўзгартирилди. Жумладан, матбуот конференциясининг 30 минут қилиб чеклаб қўйилиши, савол берувчи ҳамма кишиларнинг ўз фамилиясини ва қайси матбуот органининг вакили эканини айтишидан иборат мажбурий қоида бекор қилинди. Оқ уйдаги журналистларнинг фикрича, бу тадбирларнинг ҳаммаси чет эл мухбирларига нисбатан илгари қўлланилиб келинган камситишни бартараф этишга ҳамда матбуот конференциясини ёритиш учун нормал шароит яратишга ёрдам беради.

Янги президент мухбирларнинг савол-ларига оҳиста, шошмасдан жавоб берди. Кеннеди америкаликларга Америка самолётларининг Совет Иттифоқи устида учишларини қайта бошламаслик ҳақида буйруқ берганлигини айтди. У, Совет ҳукуматининг Совет Иттифоқи территорияси устида учириб туширилган «РБ-47» самолётидаги иккита америка учувчисини озод қилиш ҳақидаги қароридан мамнун эканлигини билдирди ва бу тадбир Совет—Америка муносабатларини яхшилаш йўлидаги жиддий тўсиқни бартараф этади, деб таъкидлади.

Кеннединнг, Америка ҳукумати ядро қуроли синовларини тақиқлаш ҳақидаги музокараларга яхшироқ тайёрланиш учун бу музокараларни кечиктиришни сўради ва «осойишта дипломатия»нинг мақсади халқаро кескинликни юмшатиш йўлларини қидириб топишдан иборат, деган сўзларини кўпгина мухбирлар мамнуният билан кутиб олдилар. Янги президентнинг бу гапларини кўпгина конгрессменлар ҳам яхши кутиб олдилар. Сенатор Фрэнк Карлсон Совет Иттифоқи билан Қўшма Штатлар ўртасида учувчилар масаласи юзасидан эришилган битимни «кейинги 10 йил ичидаги энг яхши янгилик» деб атади.

Бироқ Кеннединнг, халқаро кескинликни юмшатиш зарурлиги ҳақидаги ҳамда учувчилар ҳақидаги битим Совет—Америка муносабатларини яхшилашга ёрдам беражаги ҳақидаги гаплари ҳаммаларнинг ҳам дилига тўғри келмади. Сайловларда мағлубиятга учраган республикачилар партиясининг ўта ўнг доиралари вакиллари ва ҳатто айрим энг реакцион демократлар президент тутган позицияга тўғридан-тўғри ҳужум қилдилар.

КАПИТАЛИСТИК МАМЛАКАТЛАРДА

НАЖОТСИЗЛИК

«Бунга ишонмассиз, лекин бу ҳақиқат» — шундай сарлавҳа билан «Иси Пари» номли француз газетаси ўзининг махсус мухбири Роже Коломбаннинг Тулондан берган хабарини босиб чиқарди. Хабарда француз йигити Жозеф Вериллининг фожиаси тасвирланади. Йигит ёшлигидан ички секреция безларининг ёмон ишлаши натижасида семириб кетиш касалига мубтало бўлган. Уни армияга олиш учун пунктга чақирганларида оғирлиги 165 килограмм келган. Йигит армия хизматидан озод қилинади. Врачлар узоқ ва кўп пул сарфлаб даволагандагина бу касалликдан қутилиш мумкинлигини айтадилар.

Касалликдан қаттиқ эзилган Жозеф бундан қутилиш учун ўз фикри билан айтганда, оддий йўл тутади. У овқат емай қўяди, тўғрироғи қатъий режим асосида жуда кам овқатланади. Салат, сувга қайнатилган гуруч ҳамда сув — 1956 йилнинг январь ойидан истеъмол қила бошлаган овқатларидир. Овқатдан узоқ вақт ўзини қисиб қўйиш натижасида бир неча ой ичида Жозеф 66 килограммга тушиб қолади — яъни у 99 килограмм озади. Жозефнинг ўзи ҳикоя қилишича, унинг бунчалик озиб кетиши натижасида териси унинг баданида «қопга ўхшаб шалпайиб қолади». 1958-1959 йилларда ундаги ортиқча терини олиб ташлаш мақсадида операция қилинади.

Врачлар унинг танасидан 8 килограмм терини шилиб олиб, оғирлигини 58 килограммга келтириб қўядилар.

Очлик режими Жозеф касалини — ички секреция безларининг ёмон ишлашини тузатолмади. Тулоннинг чеккасидаги фермер ўғли Жозефда даволаниш учун пул йўқ эди.

Жозеф касалликдан қутилиш учун сўнгги қарорга келади: у даволаниш учун пул топиш мақсадида кўзини сотишга аҳд қилади. «Менинг узоқ йиллар олиб борган курашимни йўққа чиқаришдан кўра, — деди у,— бир кўзлик бўлиб қолганим яхши».

«Бунга ишонмассиз, лекин бу ҳақиқат» — газета ўз мухбирининг хабарига ана шундай сарлавҳа қўйишни лозим топган. Ишониб бўлмайдиган бундай факт фақат ҳамма нарса — инсон ҳаёти ҳам пулга бўйсундирилган жамиятда бўлиши мумкин.

(«Известия» газетасидан).

ДЎСТЛИГИМИЗ МУСТАҲКАМ

Ўтган йил декабрь ойининг охирларида бир группа ўзбекистонлик туристлар Ҳиндистонга саёҳат қилдик. Туристлар орасида ишчи, олим, деҳқон, қўйинчи, ҳар касбдаги кишилар бор эди. Қудратли «ТУ-104» самолёти осмонга парвоз қилиш билан она юртдан «жудолик» ҳаммамизга хийла таъсир қилган эди. Бироқ, бизлар дўстлар ҳузурига ташриф қилаётганлигимизни эслаб кўнглимизни тўқ қилдик.

Ҳаво лайнери улкан Гималай тоғларидан оша Ҳинд ерига кириб борди. Орадан кўп ўтмай Деҳли аэродромига келиб қўндик. Аэродромда бизни очиқ чеҳра, ҳурмат билан кутиб олдилар. Бу ердан тўғри меҳмонхонага қараб йўл олдик. Хоналарга кириб жойлашиб олмаган ҳам эдикки, бизга чой ва ҳар хил ширинликлар келтиришди. Одатда ҳиндлар азиз меҳмонларга шундай илтифот қилар эканлар. Ўзбекистонлик меҳмонларга ҳинд одати жуда ёқди.

Меҳмонхона ходимлари биздан кўзларини узмас, «руш», рўш, деган сўзлар оғизларидан аримас эди. Улар жон-диллари билан хизмат қилиб, бизни хурсанд қилишга тиришар эдилар.

Кечга томон совет туристларини қутлагани дўстлар келганлигини эшитиб меҳмонхона залига тўпландик. Залга бир тўп дўстлар кириб келишди. Булар орасида Ҳинд-Совет маданий алоқа Жамияти Деҳли бўлимининг секретари Мехта жаноблари, Ҳинд-Совет маданий алоқа Жамияти Ижроия комитетининг аъзолари, журналист Саксена ва Рауш жаноблари, Деҳли университетининг профессори Харчарак Сингҳ жаноблари ва бошқалар бор эди. Дўстлар ташрифидан гоят қувондик.

Икки ўртада қизғин суҳбат бошланди. Биз улуғ Ватанимиз муваффақиятлари, жумладан Ўзбекистон ҳақида, унинг юксак саноати, қишлоқ хўжалиги ва маданияти ҳақида гапирдик. Мезбонлар сўзларимизни худди эртак эшитгандек зўр диққат билан тингладилар. Улар гоҳ ажабланар, гоҳ хурсанд бўлгандан қарсак чалгундек бўлардилар...

Навбат мезбонларга келди. Мехта жаноблари бизни самимий табриклаб, совет халқлари билан ҳинд халқи ўртасидаги дўстлик ҳақида қаяжонланиб гапирди. У Н. С. Хрушчевнинг «Совет-Ҳинд дўстлиги Бхилаи пўлатидек мустаҳкам», деган сўзларини ифтихор билан қайта-қайта такрорлади. Гап орасида Мехта жаноблари Совет-Ҳинд дўстлигига асос солган улуғ Ленин номини тилга олди. Сўнгра Саксена жаноблари сўзлаб, Совет Иттифоқида икки марта бўлганини, совет кишиларининг тинч ижодий меҳнати, Ватанимизнинг улкан қурилишлари ҳақида тўлқинланиб сўзлади.

Рауш жаноблари нинг сўзи ҳам ҳаммамизда чуқур таассурот қолдирди. У Ҳиндистон гарчанд иқтисодий жиҳатдан кучли бўлмасада, унинг қудрати тинчликсеварлигидадир. Ҳинд халқи фақат тинчлик дейди, шунинг учун ҳам дунёда энг қудратли, саноат, қишлоқ хўжалиги ва фан-маданияти гуллаб яшнаётган, тинчлик йўлида жон қуйдираётган Совет Иттифоқини ҳурматлайди, ундан миннатдор, деди.

Хуллас, меҳмонхона суҳбатидан биз ҳам, мезбонлар ҳам хурсанд бўлдик. Узаро суҳбат Совет-Ҳинд дўстлиги нақадар илдиз ёйиб мустаҳкамланганлигини ва ҳеч ким бу дўстликка рахна сола олмаслигини яққол кўрсатди.

Деҳлига келган кунимизнинг эртасидан бошлаб шаҳардаги осоратиқаларни кўришга ошиқдик. Минг йиллик мақбаралар, осмонни ўпган миноралар, гўзал наққошлик намуналари—буларнинг ҳаммаси улуғ ҳинд халқининг ажойиб талантини кўйларди. Неча-неча авлоллар қон, тер тўкиб бунёдга келтирган кўҳна ёдгорликлар ҳинд элининг санъати нақадар буюк, жозибадор, кўркам эканлигини ўзида мужассамлаштирган.

Биз Деҳлидан ташқари Калькутта, Банорас, Мадорас, Бомбай, Агра ва Жайпурда бўлиб, ҳ ерлардаги қадимий ёдгорликларни ҳам томоша қилдик. Бу ёдгорликлар бир-биридан гўзал, бир-биридан ўзаман дейди, Уларни таъриф-тавсиф қилиш амримаҳол. Лекин Тож-Маҳолни бир кўрган киши, гарчанд Тож-Маҳол тўғрисида минг марта гапирилган бўлсада, сиҳрли мақбарани таърифламай иложи йўқ.

Тож-Маҳол мақбараси ҳинд санъатининг тожисидир. Мақбара жаҳон маданият хазинасидаги бебаҳо дурдир. Тож-Маҳолни томоша қилар эканмиз, Шарқ халқларини менсимаган, уларни маданиятсизликда айбдаб оёқ ости қилган империалист «цивилизатор» жаноблараго лаънат, минг лаънат дейсан, киши. Тўғри, ўша жаноблар Тож-Маҳолдек буюк иншоотларни мақтайдилар ҳам, бироқ уларни ўз ақл-заковати билан қурган, ясаган, безаган ижодкорларни камситадилар. Лекин улуғ халқ тарихи, туриш-турмуши билан танишган киши ким маданиятли, ким маданиятсиз эканлигини дарров пайқаб олади.

Биз янги Ҳиндистон ҳаёти, сиёсати, экономикаси, халқ турмуши билан танишар эканмиз, империалистларнинг давлатни бошқариш, уни мустақил ривожлантириш «Шарқ халқларининг қўлидан келмайди», деган гоялари бўхтон эканлигига яна бир марта ишонч ҳосил қилдик.

Ҳиндистон мустақиллик олгандан бери ўтган вақт ичида саноат, қишлоқ хўжалиги ва маданият соҳасида анчагина ишлар қилинибди. Биз кейинги ўн бир йил ичида қад кўтарган заводлар, фабрикалар, электростанцияларни кўриб кўп хурсанд бўлдик. Ҳинд дўстларимизнинг айтишича, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш йилдан-йилга кўпайиб боряпти. Фақат ўтган йилнинг ўзида саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 14—15 процент ошибди.

Шуни айтиб ўтиш керакки, Ҳиндистонда кимни учратманг, у албатта Бхилаи комбинатини фахр билан тилга олади, комбинат қурилишида ҳамкор бўлган Совет Иттифоқига ташаккур дейди. Дарҳақиқат, Бхилаи ҳақида ҳар қанча гапирса арзийди. Чунки, Бхилаи комбинати Ҳиндистон жонига оро кирди, экономикасига зўр тиргак бўлди.

Дўстлар қишлоқ хўжалиги, маданият ҳам ривожланиб бораётганини, деҳқонлар аҳволи илгаригидан яхши эканлигини, минглаб мактаблар очилганини айтиб беришди. Буларнинг ҳаммаси тобеъликдан қутилган халқ ҳар қандай улуғ ишларга қодир эканлигини яққол кўрсатиб турибди.

Биз Ҳиндистонда 15 кун бўлдик. Бу мамлакат ҳаётини тўла ўрганиш учун етарли эмас, албатта. Лекин, вақт қисқа бўлсада кўп нарсаларни кўриб, билиб олдик. Шулардан энг муҳими шуки, ҳинд халқи совет халқидан гоят миннатдор, уни ўзининг содиқ вафодор дўсти деб билади. Бизлар қаерга бормайлик «ҳинди-руси бҳай-бҳай» сўзлари ҳиндлар оғзидан тушмади. Дўстлар биз орқали советлар диёрига салом йўллаб, юрагимиз сиз билан бирга, дедилар.

Ф. МАҲКАМОВ.

Редактор И. РАҲИМОВ.

ЖУРНАЛЛАРНИНГ ЯНГИ СОНИ

„Шарқ юлдузи“

Журналнинг январь сони Эркин Воҳидовнинг «Буюк ҳаёт тонги» поэмаси билан очилади. Бу сонда ёзувчи Назир Сафаровнинг «Узоқни кўзлаган қиз» воқеий қиссаси босилган.

Журналнинг «Янги номлар» рубрикасида Аҳаджон Ҳасановнинг «Юраги алангаланди», «Иккинчи учрашув», Қурбоной Убайдуллаевнинг «Дуғоналар», Раимбой Собировнинг «Кўнгил мардга берилади» ҳикоялари, Теша Саидалиевнинг «Дўстлик», «Чортоқ суви», «Ўзинг гўзалсан», «Аланга», «Меҳмон эмас» шеърлари босилган.

Бадиий маҳорат масалалари рубрикасида Очил Тоғаевнинг «Ҳозиржавоблик ва маҳорат», Саид Аҳмаднинг «Очерк—адабиёт разведкачиси» мақолалари босилган. Раҳмат Маждиий ва Абдреим Насруллаевнинг «Амударё»нинг юксак ғоявийлиги ва бадиийлиги учун» сарлавҳали мақолалари бор.

«Ўрта Осиёнинг Россияга қўшиб олинишининг 100 йиллиги олдидан» рубрикасида Олим Усмоновнинг «Зулмат ичида нур» сарлавҳали мақоласи босилган. Журналнинг «Иқтидий портретлар» бўлимида Наврўз Жапақов «Аябберган Мусаев—янги ҳаёт куйчиси» сарлавҳали мақоласи билан қатнашган. «Гул қайчи» бўлимида республикамизнинг кўзга кўринган ёзувчилари ҳамда шоирларига «Гул қайчи»нинг ҳазиллари берилган.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

28 ЯНВАРДА

18.30—**Қизиқарли учрашувлар клуби**, 19.00—**Сўнгги ахборот**, 19.20 — **Венгрия виставкаси** (киноочерк), 19.40 — **Экрандан эшитилган кўшиқлар** (рус тилида суҳбатли концерт), 20.20 — **Канада хоккейчилари ўйнайди** (ҳужжатли фильм), 20.30 — **Қўлга тушмаган — ўғри эмас** номли француз кинокомедияси, 21.50 — **Ойнадан ўпкалама...**

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 28/I да **Аида**, 29/I да эрталаб **Олтин калит**, кечқурун **Масхарабозлар ва концерт бўлими**.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 28/I да **Фурқат**, 29/I да эрталаб ва кечқурун **Ҳамза**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА—28/I да **Паранжи сирлари («Холисхон»)** 29/I да эрталаб **Равшан ва Зулхумор**, кечқурун **Раис уйланармиш**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — РСФСРда хизмат кўрсатган артист **Ю. Дуров гастролининг давоми.** 29/I да уч марта томоша кўрсатилади.

КИНО

Кўчма қалъа — «ВАТАН» (эрталаб соат 10,11 ярим ва кеч 5 да).

Макр ва муҳаббат — «ВАТАН», «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Даҳшатли тунлар — СОБИР РАҲИМОВ номли, «ИСКРА», «ДРУЖБА», «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Ўйнусиз йиллар — «СПУТНИК», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «ЕШ ГВАРДИЯ» (эрталаб соат 10 да).

САНЪАТ МУЗЕЙИДА

29 январь кундуз соат 3 да: **«Скульптурани қандай томоша қилиш керак»** деган темада

ЛЕКЦИЯ

Лектор — **С. М. Круковская.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА

ТЕЗ КУНДА

ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ

Одил Еқубов асари

Олма гуллаганда

3 парда, 6 кўринишли пьеса.

Режиссёр — **А. З. Қобилов**, рассом — **Г. Э. Юнгвальд-Хилькевич**, режиссёр ассистенти — **Д. Шокиров.**

Театрнинг бош режиссёри — Ўзбекистон ССР халқ артисти **А. О. Гинзбург.**

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

30 январь ва **2 февралда**

ЎЗБЕК АШУЛА, РАҚС ВА МУЗИКА

КЕЧАЛАРИ

СССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати **Мукаррама Турғунбоева**, Ўзбекистон ССР халқ артисти **Шаҳодат Раҳимова**, Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артистлар **Коммуна Исмонлова, Қундуз Миркаримова, Берта Давидова, Эргаш Шукруллаев, Карим Алиев**, VI Жаҳон фестивали лауреати **Фозил Харротов**, филармония солистлари **Неъмат Қулабдуллаев, Раҳима Ҳакимова, Раббим Ҳамдамов Ғафур Азимовлар** қатнашади.

Концерт кеч соат 7 яримда бошланади. Билетлар сотилмоқда.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг

ЭНЕРГЕТИКА ВА АВТОМАТИКА ИНСТИТУТИ

газларни қайтадан ишлаш, нефтни қайтадан ишлаш, газдан саноатда фойдаланиш, газ аналитинаси ва технико-экономик текширишлар лабораторияларининг вакант мудирлари вазифасида ишлаш учун

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурсда фанлар доктори, техника фанлари кандидати деган илмий даражаси бўлган кишилар, доцентлар, шунингдек кўп йиллик ишлаб чиқариш стажи бўлган мутахассислар қатнаша олади.

Конкурс муддати — 13/II гача.

Ҳужжатларни тақдим қилиш учун адрес: Тошкент, Оржоникидзе посёлкаси, Академгородок, Телефон—62-953 62-967.

Тошкент областъ, Оржоникидзе район, Сталин қишлоқ советидаги Хрушчев номли колхозда турувчи **Шокир Мақсудовнинг** Тошкент шаҳар, 1-Оқлон кўча, 16-массив, 10-участкада турувчи Гулчеҳра Мақсудовадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район, 6-участка халқ судида кўрилади.

Гвардия полковниги Хўжаев кўчаси, 80-уйда турувчи **Эмма Леонидовна Мазурская-Исматованинг** Олмалиқ кўчаси, 32-уйда турувчи Воҳоб Абдураҳимович Исматовдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Киров район халқ судида кўрилади.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ: ТОШКЕНТ, *«Правда Востока» кўчаси 26 уй*

**КОММУТАТОР — 26334, 33262. Редакция бўлимларининг телефонлари: Партия турмуши — 33469. Пропаганда — 33469